2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 34 (1360), 2025 йил 18 февраль, сешанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

# ЎЗБЕКИСТОН — КУВАЙТ МУНОСАБАТЛАРИНИ КЕНГ ҚАМРОВЛИ ШЕРИКЛИК ДАРАЖАСИГА ОЛИБ ЧИҚҚАН САМАРАЛИ УЧРАШУВЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Кувайт Давлати Амири Шайх Мишъал ас-Сабоҳнинг таклифига биноан 17 февраль куни расмий ташриф билан ушбу мамлакатга келди.**





Ал-Кувайт халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Амир Шайх Мишъал ас-Сабоҳ, Валиаҳд Шайх Сабоҳ ас-Сабоҳ ва бошқа расмийлар кутиб олди.

Ўзбекистон етакчисининг ташрифи шарафига фахрий қоровул саф тортди, давлат байроқлари кўтарилди, икки мамлакат мадҳиялари янгради.

Президентимиз фахрий қоровул сафи олдидан ўтди. Сўнг давлат раҳбарлари расмий делегациялар аъзолари ва дипломатик корпус вакилларини қутладилар.

Аэропортнинг Амир терминалида етакчилар ўртасида қисқа суҳбат бўлиб ўтди.

Шундан сўнг Ал-Кувайт шаҳридаги "Ал-Баян" саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Кувайт Давлати Амири Шайх Мишъал ас-Сабоҳ тор доирада учрашув ҳамда расмий делегациялар аъзолари иштирокида музокара ўтказдилар.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари кўрсатилаётган самимий қабул ва юксак эътибор учун Амирга миннатдорлик билдириб, Кувайт етакчиси ва дўст халқини яқинлашиб келаётган миллий байрамлар билан дилдан қутлади.

Ўзбекистон билан Кувайт ўртасидаги дўстлик ва кўп қиррали шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Президентимиз Кувайтда муваффақиятли амалга оширилаётган, мақсад ва вазифалари Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг узоқ муддатли устувор йўналишларига ҳамоҳанг бўлган "Нигоҳ 2035" давлат дастурини алоҳида қайд этди.

Фаол сиёсий мулоқотлар ва идоралараро алмашинувлар, ўзаро товар айирбошлаш ва инвестициялар ҳажми барқарор ортиб бораётгани мамнуният билан таъкидланди.

Ўтган йили Ҳукуматлараро комиссиянинг биринчи йиғилиши самарали ўтказилди, қатор муҳим ишбилармонлик тадбирлари ташкил этилди.

Савдо-иқтисодий, инвестициявий, инновацион ва молиявий-техник соҳалардаги ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

"Яшил" энергетика, саноат кооперацияси, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва логистика, инфратузилма, шаҳарсозлик, соғлиқни сақлаш, туризм соҳалари амалий ҳамкорликнинг устувор йўналишлари сифатида белгиланди.

Қўшма лойиҳаларни илгари суриш мақсадида Инвестиция платформаси ва Ишбилармонлар кенгаши каби механизмларни йўлга қўйиш, шунингдек, Ал-Кувайт шаҳрида савдо уйини очиш бўйича келишувга эришилди.

Янги шериклик дастури доирасида Кувайт араб иқтисодий тараққиёт фонди билан лойиҳалар портфелини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ва Кувайтда маданият ва туризм ҳафталикларини ўтказиш, икки мамлакат вакилларининг санъат, мусиқа, кино, таълим ва спорт соҳаларидаги маданий-гуманитар тадбирларда фаол иштирок этишига кўмаклашишга келишиб олинди.

Учрашувда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Қўшилмаслик ҳаракати ва бошқа нуфузли тузилмалар доирасида ўзаро қўллаб-қувватлашни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Жорий йил май ойида Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган "Марказий Осиё — Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши" мулоқоти саммитига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича қўшма чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Етакчилар халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Музокаралар якунида икки давлат раҳбарлари кенг қамровли шерикликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қарор қилдилар.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Президенти Кувайт Амирини мамлакатимизга ташриф билан келишга таклиф этди.

Ал-Кувайт шаҳрида бўлиб ўтган музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Кувайт Давлати Амири Шайх Мишъал ас-Сабоҳ Ўзбекистон — Кувайт кенг қамровли шериклик муносабатларини ривожлантириш тўғрисида қўшма баёнот қабул қилдилар.

Шунингдек, қуйидаги ҳужжатлар имзоланди:

— Саноат соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Ҳаво қатнови тўғрисидаги битимга баённома;

— Меҳнат соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

— "Ақлли" шаҳарларни барпо этиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Санъат ва маданият соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Туризм соҳасида 2025-2027 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури;

— Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси билан ҳамкорлик тўғрисида битим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Кувайтга ташрифи доирасида ўзи учун ажратилган қароргоҳда ушбу мамлакат Бош вазири вазифасини бажарувчи, ички ишлар вазири Шайх Фаҳд ас-Сабоҳ бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашувда Кувайт томонидан молия ва инвестициялар вазири Нура Сулаймон ал-Фассам, савдо ва саноат вазири Халифа Абдулла ал-Аскар ҳамда Инвестиция агентлиги директори Шайх Сауд ас-Сабоҳ ҳам иштирок этди.

Бўлиб ўтган олий даражадаги музокаралар якунида эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Икки давлат раҳбарларининг Ўзбекистон — Кувайт муносабатларини кенг қамровли шериклик даражасига олиб чиққан учрашуви самарали бўлгани катта мамнуният билан қайд этилди.

"Марказий Осиё — Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши" саммитида иштирок этиш учун Кувайт Амирининг Ўзбекистонга бўлажак ташрифига биргаликда тайёргарлик кўриш муҳимлиги қайд этилди.

Савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларни ривожлантириш устувор вазифа сифатида белгиланди.

Шу нуқтаи назардан, Қўшма инвестиция платформаси ва Ишбилармонлар кенгашини ташкил этиш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги, логистика ва транспорт, гидроэнергетика, инфратузилма, соғлиқни сақлаш, фармацевтика ва бошқа тармоқлардаги лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва илгари суриш муҳимлиги қайд этилди.

"Йўл харитаси"га киритилган кооперация дастурлари ва лойиҳаларини илгари суриш мақсадида фаол мулоқотлар ва ўзаро ташрифларни ташкил этишга келишиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Кувайт ташқи ишлар вазири Абдулла ал-Яҳё билан учрашув ўтказди.

Кувайтга амалга оширилаётган тарихий ташриф давомида эришилган келишувлар доирасида фаол сиёсий мулоқотни давом эттириш, савдо-иқтисодий ва инвестиция-молиявий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Ташриф доирасида Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси билан янги ҳамкорлик дастури имзолангани юқори баҳоланди.

Озиқ-овқат хавфсизлиги, саноат кооперацияси, инфратузилма, туризм ва бошқа йўналишларда лойиҳаларни илгари суриш ҳамда мамлакатлар ўртасида тўғридан-тўғри авиақатновларни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ташрифнинг ишбилармонлик дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев "Fouad Alghanim & Sons" компанияси раҳбари Фади Ҳаддадни қабул қилди.

1965 йилда ташкил этилган холдинг автомобилсозлик, қурилиш, энергетика, нефть-газ, савдо, кема қурилиши, авиация, телекоммуникация, туризм ва кўчмас мулк соҳаларида фаолият юритмоқда.

"Fouad Alghanim & Sons" компаниясининг давлат-хусусий шериклик шартлари асосида соғлиқни сақлаш ва таълим объектларини қуриш режалари қўллаб-қувватланди.

Президент Шавкат Мирзиёев "Agility Logistics" компанияси раиси Ҳенади ал-Солиҳ билан учрашув ўтказди.

1979 йилда ташкил этилган трансмиллий логистика компанияси бу соҳада дунёнинг энг йирик корхоналаридан бўлиб, 70 дан ортиқ мамлакатда фаолият юритмоқда. Авиация хизматлари, саноат омборлари, логистика парклари, хизматларни рақамлаштириш каби йўналишларда иш олиб бормоқда.

Учрашувда Кўрфаз мамлакатларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини самарали етказиб бериш учун Ўзбекистонда қўшма логистика марказини ташкил этиш бўйича истиқболли лойиҳага алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев "Action Group Holdings" компанияси раҳбари Шайх Муборак ас-Сабоҳни қабул қилди.

1998 йилда ташкил этилган холдинг фаолияти кўчмас мулк, нефть саноати, ахборот технологиялари, логистика, қурилиш, таълим, консалтинг ва савдо соҳаларини қамраб олади.

Давлатимиз раҳбари "Action Group Holdings" компаниясининг Ўзбекистонда гидроэлектр станциялари ва ижтимоий уй-жойлар қуриш, минерал ресурсларни қайта ишлаш бўйича режаларини маъқуллади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев "Kamco Invest" компанияси раҳбари Абдуллоҳ ал-Шарих билан учрашди.

1998 йилда ташкил этилган "Kamco Invest" молиявий компанияси активларни бошқариш, инвестицион банкинг ва брокерлик соҳасида хизматлар кўрсатади. БАА, Саудия Арабистони, Иордания ва Буюк Британияда ваколатхоналари мавжуд.

"Kamco Invest" раҳбарияти билан хусусий компанияларнинг корпоратив фаолияти самарадорлигини ошириш лойиҳасини йўлга қўйиш ҳамда Қўшма инвестиция платформасини яратиш бўйича келишувга эришилди.

Давлатимиз раҳбарининг Кувайтга расмий ташрифи ишбилармонлик дастури давомида "Al Imtiaz Investment Group" компанияси бошқаруви аъзоси ва ижрочи директори Фузи Холид бин Эсса билан учрашув бўлиб ўтди.

"Al Imtiaz Investment Group" гуруҳи 2005 йилда ташкил этилган бўлиб, активларни бошқариш, кўчмас мулк, соғлиқни сақлаш, саноат ва молия соҳаларига сармоя киритишга ихтисослашган.

Кувайт компаниясининг озиқ-овқат етиштириш, фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш, шунингдек, кўчмас мулк объектларини қуриш бўйича ташаббуси қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев "Kuwait Investment Company" компанияси бош ижрочи директори Фавоз ал-Аҳмадни қабул қилди.

Асосий акциядори Кувайт инвестиция агентлиги бўлган компания 1961 йилда ташкил этилган. Активларни бошқариш, инвестицион банкинг, хусусий бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш билан шуғулланади.

Таълим, инфратузилма, агросаноат, сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш қўллаб-қувватланди.

Давлатимиз раҳбари "Gulf Care General Trading" компанияси раҳбари доктор Ияд ас-Солиҳни қабул қилди.

2001 йилда ташкил этилган компания Кўрфаз минтақасида тиббий ускуналарнинг энг йирик етказиб берувчиларидан бири бўлиб, Кувайтдаги хусусий тиббиёт муассасаларининг кенг тармоғи эгасидир.

Мамлакатимиз етакчиси касалликларни барвақт аниқлаш соҳасидаги шериклик ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этди. Компаниянинг мамлакатимиз ҳудудларида тиббий хизмат кўрсатиш ва фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга ошириш борасидаги режалари қўллаб-қувватланди.

Ташриф дастурига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ал-Кувайт шаҳридаги "Ас-Салом" сарой-музейига ташриф буюрди.

Сарой 1960-1964 йилларда ўзига хос араб меъморчилиги услубида бунёд этилган ва 1990 йилгача Кувайтга ташриф буюрган хорижий раҳбарлар учун расмий қароргоҳ бўлиб хизмат қилган.

2019 йилда саройда музей очилган бўлиб, унда 32 минг квадрат метр майдонда Кувайтнинг кўп асрлик тарихи ва маданиятини акс эттирувчи ноёб экспонатлар намойиш этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари музей экспозицияси билан танишиб, унинг меъморий концепцияси ва замонавий инфратузилмасини юқори баҳолади.

Ўзбекистон билан Кувайт маданий алмашинувларини, хусусан, музей иши ва тарихий меросни асраш соҳасидаги алоқаларни кенгайтириш, қўшма гуманитар дастурларни амалга ошириш ва ўзаро кўргазмалар ташкил этиш муҳимлиги қайд этилди.

Якунда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев музейнинг Фахрий меҳмонлар китобида дастхат ёзиб қолдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Кувайт Давлатига расмий ташрифи давом этмоқда.

**ЎзА**

# "ЯШИЛ" ТРАНСФОРМАЦИЯ САРИ

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ДАВЛАТ ДАСТУРИ ҲАЁТИМИЗНИНГ БАРЧА СОҲАЛАРИНИ ШУ НЕГИЗДА ЯНГИЛАШГА ҚАРАТИЛГАН

**Президентимизнинг "Ўзбекистон — 2030" стратегиясини "Атроф-муҳитни асраш ва "яшил иқтисодиёт" йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги фармонида "Ўзбекистон — 2030" стратегияси ва Олий Мажлис палаталарининг мажлисларида белгиланган вазифалар ижросини оғишмай ташкил этиш, БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисида ҳадли конвенциясининг Киото протоколи ва Париж битими доирасида мамлакатнинг глобал ҳамжамият олдида олган мажбуриятларини бажаришда тармоқ ва соҳаларнинг уйғун "яшил" трансформациясини амалга ошириш, иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш ҳамда аҳолининг яшаш сифатини яхшилаш, иқтисодий ўсишнинг янги "яшил" ривожланиш моделига ўтиш масалалари асосий мақсад этиб белгиланди.**

*Давоми 4-бетда*

# ЁШЛАР — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ОЛТИН ФОНДИ

**Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати юритиш устувор вазифалардан биридир. Бугун ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга зарур бўлган шарт-шароит ва имкониятлар борасида мустаҳкам ҳуқуқий база яратилди. У замон талабларига ҳамоҳанг такомиллаштирилмоқда. Ёшларнинг катта майдонда ўзини намоён қилишига имкон берилаётир. Барча тоифадаги ўғил-қизларнинг интилиш ва қизиқишларини рағбатлантириш, қобилиятини рўёбга чиқариш, илм эгаллаши, замонавий касб ва соҳаларни ўзлаштириши, меҳнат қилиши, фаровон ҳаёт кечириши учун кенг йўл очилди.**

Ўзбекистон ёшларга оид давлат сиёсати юритиш бўйича ўз тажрибасини яратди. Ҳар бир ўзбек оиласи фарзандининг таълим-тарбияси, касб-ҳунар эгаллаши, ҳалол меҳнат қилиши, уй-жойли бўлиб, бахтли яшаши учун қанчалик қайғурса, давлатимизнинг ёшлар масаласига ёндашуви ҳам худди шу қадриятларга таянади.

*Давоми 3-бетда*

# ЎЗБЕКИСТОН — КУВАЙТ: ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**17 февраль куни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев икки кунлик расмий ташриф билан Кувайтга борди. Кувайт Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 30 декабрда тан олди ва 1994 йил июлда мамлакатларимиз тенг ҳуқуқлилик ва бир-бирининг манфаатларини ҳурмат қилишга асосланган конструктив шерикликни ривожлантиришга ўзаро интилишларини тасдиқлаб, дипломатик муносабатлар ўрнатди.**

2004 ва 2008 йилларда мос равишда Кувайт ва Ўзбекистонга амалга оширилган олий даражадаги ўзаро ташрифлар ҳамкорликни ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратди.

2001 йилдан буён Ўзбекистонда Кувайт элчихонаси фаолият кўрсатмоқда, 2004 йилда эса Ал-Кувайтда мамлакатимизнинг дипломатик ваколатхонаси очилди.

Бугунги кунда икки томонлама муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси 27 ҳужжатдан иборат.

Сўнгги йилларда иқтисодиёт, савдо, инвестиция, таълим ва маданият каби турли йўналишларда икки томонлама алоқалар сезиларли даражада фаоллашди. Икки давлат ўзаро манфаатли дўстлик ришталарига, муштарак дин, маънавий қадриятлар ва анъаналарга асосланган алоқаларга таянган ҳолда шерикликни янада мустаҳкамлашга интилмоқда.

Кувайт Ўзбекистон учун халқаро муносабатлар тизимидаги муҳим ҳамкор ҳисобланади. Бу давлатнинг иқтисодиёт, молия, банк иши, сармоя, инновациялар, таълим ва инфратузилмани ривожлантириш каби соҳалардаги тажрибаси алоҳида аҳамиятга эга. Кувайт билан ҳамкорлик билим ва илғор тажриба алмашиш учун катта имкониятлар яратади, бу эса икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш ва барқарор ривожлантириш йўлидаги биргаликдаги тараққиётга хизмат қилаётир.

Икки давлатнинг БМТ, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Марказий Осиё — Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши каби халқаро ташкилотлар доирасидаги алоқалари минтақавий ва глобал кун тартибининг долзарб масалалари бўйича позицияларни мувофиқлаштиришга хизмат қилмоқда, шунингдек, кўп томонлама шерикликни янада чуқурлаштириш учун янги истиқболларни очмоқда.

Ўзбекистон ва Кувайт ўртасидаги юқори даражадаги ҳамкорлик икки томонлама муносабатларнинг кенг доирасини қамраб олади. Икки давлат Ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги ўзаро алоқаларга алоҳида эътибор қаратиляпти. Бу дипломатик мулоқотни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда, ҳамкорликни кенгайтириш ва диверсификация қилишга йўл очмоқда.

Биргина 2024 йилнинг ўзида Ўзбекистон ва Кувайт ташқи ишлар вазирлари ўртасида бешта учрашув ва музокара бўлиб ўтди. Жумладан, икки давлат ташқи сиёсат идоралари раҳбарлари Анталия дипломатик форуми ва БМТ Бош Ассамблеясининг 79-сессияси доирасида учрашди.

Бундан ташқари, Кувайт ташқи ишлар вазири Абдулла ал-Яҳё бошчилигидаги делегация 2024 йил 15 апрель куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё — Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши стратегик мулоқоти ташқи ишлар вазирларининг 2-йиғилишида қатнашди. Ташриф давомида Кувайт ташқи ишлар вазири Ўзбекистон Президенти томонидан қабул қилинди.

Ўз навбатида, 2024 йил август ойида Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Кувайтга ташриф буюриб, у ерда бир қатор самарали музокаралар ўтказди.

Ташқи сиёсат идоралари томонидан мунтазам ўтказиб келинаётган сиёсий маслаҳатлашувлар ҳам Ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг муҳим механизмига айланган.

Ўзбекистон билан Кувайт ўртасидаги савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик сўнгги йилларда янги суръатга эга бўлди. Товар айирбошлаш ҳажмини бир неча карра ошириш учун икки давлат етарли салоҳиятга эга ва бу борадаги ишлар жадал давом этяпти.

Хусусан, 2024 йилда икки томонлама иқтисодий ҳамкорликда мисли кўрилмаган фаоллик намойиш этилди. Кувайтнинг йирик компаниялари ва молия институтлари вакилларининг Ўзбекистонга 50 дан ортиқ бизнес миссияси ташкил этилди. Хусусан, Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси, “Gulf General Trading Co.”, “Petroleum Dynamics”, “Al-Tijaria Group”, “The Commercial Real Estate Co.”, “Rawasi Kuwait Holding Co.”, “Kuwait Investment Co.” (KIC), “AlJaber Group Holding”, “Biomedix Medical Group Co.”, “Advanced Medical German Co.”, “KAMCO Investment Co.”, “Alkandari General Trading Co.”, “Unique Goods”, “Zenith Business Solution”, “Golden Carpet”, “AlMawashi” ва бошқа компаниялар раҳбарлари юртимизда бўлди.

“Kuwait Investment Company” президенти Юсуф ал-Али ва “Gulf General Trading Co.” компанияси бош директори Ияд Солиҳ 2024 йил 2-3 май кунлари бўлиб ўтган III Тошкент халқаро инвестиция форумида иштирок этди.

Ўтган йилнинг ноябрь ойида Қарши шаҳрида бўлиб ўтган “Қашқадарё инвест-2024” бизнес-форумида кувайтлик ишбилармонлар фаол қатнашди. Мазкур иқтисодий тадбирда Кувайт “Gulf Care Gen. Trad. Co.”, “Biomedix Medical Group Co.” ва “Advanced Medical German Co.” компаниялари раҳбарияти томонидан тақдим этилди.

2024 йилнинг май ва август ойларида Кувайтда ташкил этилган “Made In Uzbekistan” бизнес-форумлари ва кўргазмалари ҳам муваффақиятли кечди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича жамоатчилик кенгаши раҳбарияти бошчилигидаги мамлакатимиз тадбиркорлари делегацияси Кувайтга ташриф буюриб, самарали музокаралар ўтказди.

2024 йилда Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Кувайт ҳукуматлараро комиссиясининг биринчи йиғилиши Тошкентда бўлиб ўтди. Унда Кувайт молия вазири, иқтисодий ишлар ва инвестиция бўйича давлат вазири Нура ал-Фассам хоним бошчилигидаги делегация иштирок этди.

2024 йилда Ўзбекистондан Кувайтга 20 тоннадан ортиқ янги мева ва сабзавотларнинг илк экспорти амалга оширилди. Мутахассислар фикрича, бу ўзаро савдодаги янги қадам бўлди. 2024 йил 15-16 декабрь кунлари Кувайтда бўлиб ўтган “Kuwait International Agro Food Exhibition” қишлоқ хўжалиги кўргазмасида Ўзбекистон компаниялари вакилларининг иштироки юртимиз маҳсулотларини ушбу мамлакат бозорига экспорт қилиш ҳажмини ва турларини кенгайтиришга замин яратди.

Инвестиция соҳасида ўтган йили Кувайтнинг “Fouad Al-Ghanim and Sons Group of Companies” корпорацияси билан Бўстонлиқ туманида ГЭС қуриш бўйича умумий қиймати 640 миллион долларлик қўшма лойиҳаларни ҳамда Ўзбекистоннинг бешта ҳудудини ичимлик сув билан таъминлашга қаратилган қиймати 50 миллион долларлик лойиҳаларни амалга ошириш бўйича музокаралар бошланган эди.

Бундан ташқари, Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган. Кувайтнинг имтиёзли кредитлари эвазига Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, таълим ва турли инфратузилма тармоқларида йирик ижтимоий лойиҳалар рўёбга чиқариляпти.

2000 йилдан буён жамғарма иштирокида Ўзбекистонда инфратузилма, қурилиш ва соғлиқни сақлаш соҳаларида умумий қиймати 210 миллион долларлик 10 та лойиҳа амалга оширилиб, 500 минг долларлик техник ёрдам кўрсатиш бўйича келишув тузилган.

Кувайт ҳукумати Самарқанд шаҳридаги Имом ал-Бухорий мажмуасини, Ҳазрат Имом жамғармасини жиҳозлаш, Халқаро ислом академияси янги биносини қуриш ва жиҳозлаш, 50 та мактаб ўқув хонасини компьютерлаштириш, республика тиббиёт муассасаларини зарур тиббий анжомлар билан таъминлаш учун моддий ёрдам кўрсатди.

Шу билан бирга, ўтган йилнинг январь ойида “Gulf General Trading Co.” компаниясининг Кувайтдаги клиникалари шифокорлари томонидан Фарғона вилоятидаги тиббиёт муассасаларида юрагида туғма нуқсони бўлган 30 болада жарроҳлик амалиёти ўтказилди.

Ўзбекистон ва Кувайт ўртасида мустаҳкамланиб бораётган тарихий-маънавий ришталар маданият ва таълим соҳасидаги фаол ҳамкорликда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Ҳар икки давлат ислом меросини асраб-авайлаш ва оммалаштириш, уни ўрганиш ва келажак авлодларга етказишга алоҳида эътибор қаратади.

Мамлакатларимиз ўртасидаги маданий алмашинувлар ўзаро тушунишнинг муҳим кўпригига айланиб боряпти, десак муболаға бўлмайди. Икки халқ анъаналари, санъати ва адабиётининг бой меросини очиб берувчи қўшма кўргазмалар, анжуманлар, фестиваллар мунтазам ўтказилаётир. Бунда ислом маданияти, тарихий обидалар ва қўлёзмаларни ўрганиш соҳасидаги ҳамкорлик алоҳида ўрин тутади. Ушбу жабҳадаги яқин шериклик биргаликда илмий тадқиқот ишлари ўтказиш учун янги истиқболларни очмоқда.

Бу йўналишда икки давлат илмий ҳамжамиятлари вакилларининг ўзаро ташрифи, уларнинг Ўзбекистон ва Кувайтда ўтказиладиган турли халқаро ва маданий-маърифий тадбирларда иштироки мунтазамлик касб этаётир.

Кувайтлик санъаткорлар Самарқанд шаҳрида ўтказилаётган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалининг доимий иштирокчиси ҳисобланади. Ўзбекистон вакиллари, ўз навбатида, Кувайтда ўтказилган халқаро амалий санъат, ислом санъати, аёллар либослари кўргазмалари, “Аёллар ва саломатлик” халқаро конференциясида қатнашди.

2024 йилда Кувайт вакиллари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган “Хотин-қизларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳуқуқ ҳамда имкониятларини кенгайтириш масалаларига минтақавий ёндашув” мавзусидаги Осиё хотин-қизлари форуми, Хива шаҳрида ўтказилган Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар туризм вазирларининг XII сессияси, Бухоро шаҳридаги Абу Али ибн Сино номидаги халқаро биология олимпиадаси, Самарқанд, Бухоро, Жиззах, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Жаҳон ёшлари фестивали, пойтахтимиз мезбонлик қилган “LIPTIS Pharmaceuticals Annual Scientific Symposia” симпозиуми, “Central Asia Air Cargo Summit” ва бошқа анжуманларда иштирок этди.

Икки томонлама ҳамкорликнинг юқорида қайд этилган муҳим йўналишлари Ўзбекистон ва Кувайт ўзаро муносабатларни барча йўналишларда янги босқичга кўтариш ва мустаҳкамлаш учун мустаҳкам замин яратилганидан, қатор соҳаларда салмоқли ютуқларга эришилганидан ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорликни жадаллаштириш учун мавжуд улкан салоҳиятдан унумли фойдаланишга тайёр эканидан далолат беради.

Давлатимиз раҳбарининг Кувайтга бошланган расмий ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни барча йўналишларда чуқурлаштириш, иқтисодий ва гуманитар алоқаларни кенгайтиришга қўшимча суръат бағишлаш баробарида икки томонлама ҳамкорликни янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

**“Дунё” АА**

> **2024 йилда Ўзбекистондан Кувайтга 20 тоннадан ортиқ янги мева ва сабзавотларнинг илк экспорти амалга оширилди. Мутахассислар фикрича, бу ўзаро савдодаги янги қадам бўлди. 2024 йил 15-16 декабрь кунлари Кувайтда бўлиб ўтган “Kuwait International Agro Food Exhibition” қишлоқ хўжалиги кўргазмасида Ўзбекистон компаниялари вакилларининг иштироки юртимиз маҳсулотларини ушбу мамлакат бозорига экспорт қилиш ҳажмини ва турларини кенгайтиришга замин яратди.**

# БМТ ЎЗБЕКИСТОННИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ЭРИШГАН ЮТУҚЛАРИНИ ЭЪТИРОФ ЭТДИ

**Шу йил 13-14 февраль кунлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош қароргоҳида БМТ Бош Ассамблеяси ва ПИ Ассамблеяси раислари томонидан ташкил этилган “Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда ҳаракатлар кўламини кенгайтириш” мавзусидаги йиллик парламент эшитувлари бўлиб ўтди.**

Форумда 60 дан ортиқ давлатдан парламент спикерлари, қонун чиқарувчи органлар аъзолари, маслаҳатчи ва экспертлар, шунингдек, аъзо давлатларнинг БМТдаги доимий вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни жадаллаштириш, шунингдек, ушбу мақсадлар учун зарур ресурслар ва воситаларни сафарбар этишда БМТ ва Парламентлараро иттифоқ (ПИ) ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Анжуманнинг асосий маърузачиларидан бири сифатида мамлакатимизнинг БМТдаги доимий вакили, элчи Улуғбек Лапасов Ўзбекистонда Барқарор ривожланиш мақсадларини ўз вақтида амалга ошириш, жумладан, қатъий парламент назоратини таъминлаш борасидаги кенг кўламли чора-тадбирлар ҳақида батафсил сўзлаб берди.

Элчи Парламентлараро иттифоқнинг Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган 150-юбилей ассамблеяси ҳақида батафсил маълумот берди. Таъкидланганидек, минтақада биринчи марта ПИнинг бундай нуфузли тадбири ташкил этилиши Ўзбекистоннинг парламентаризмни ривожлантириш, қонун чиқарувчи органлар ўртасидаги ҳамкорлик ва глобал мақсадларни амалга ошириш борасидаги саъй-ҳаракатлари халқаро миқёсда эътироф этилганидан далолат беради. Ўзбекистон вакили барча парламент аъзоларини ушбу муҳим тадбирда фаол иштирок этишга чақирди.

Ўзбекистон миллий, минтақавий ва халқаро миқёсда Барқарор ривожланиш мақсадларини бажаришда қонун чиқарувчилар иштирокини кучайтиришнинг фаол тарафдорларидан бири экани алоҳида таъкидланди. Шунингдек, БМТ Бош Ассамблеяси 2022 йилда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ва дунёнинг барча минтақаларидан 80 дан ортиқ давлат ҳаммуаллифлигида Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни жадаллаштиришда парламентларнинг ролини кучайтириш тўғрисидаги резолюцияни қабул қилгани қайд этилди.

Иштирокчилар Сенат раиси ва Қонунчилик палатаси спикери бошчилигидаги Барқарор ривожланиш мақсадлари ижросини назорат қилиш, шу жумладан, давлат органлари ҳисоботларини тинглаш бўйича парламент комиссияси фаолияти билан танишди. Бу вазифаларни жадаллаштириш бўйича “йўл харитаси” қабул қилингани, ушбу мақсадларга эришиш учун улкан ресурслар сафарбар этилгани билдирилди.

Парламент аъзолари Ўзбекистон Президенти бошчилигида юртимизда Барқарор ривожланиш мақсадларини ҳаётга татбиқ этиш, камбағалликни қисқартириш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларни ва халқ билан фаол мулоқотни олқишлади.

**“Дунё” АА**
*Нью-Йорк*

# КУВАЙТ ОАВ: ЎЗБЕКИСТОН КЎРФАЗ АРАБ ДАВЛАТЛАРИ БИЛАН АЛОҚАЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАМОҚДА



**Давлатимиз раҳбарининг Кувайтга расмий ташрифи арафасида ушбу мамлакатнинг етакчи босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистоннинг замонавий ривожланиши, савдо-иқтисодий, сиёсий ва маданий-гуманитар соҳалардаги икки томонлама муносабатларига бағишланган туркум мақолалар чоп этилди.**

Масалан “Q8 Press” электрон нашрида “Ўзбекистон ва Кувайт: ўзаро манфаатли ҳамкорлик сари” сарлавҳали мақола эълон қилинди.

“Сўнгги йилларда Ўзбекистон янгиланган ташқи сиёсий концепцияси доирасида мамлакат анъанавий шериклари билан ташқи алоқаларни мустаҳкамлаш ва халқаро ташкилотлардаги фаолиятини кучайтириш билан бир қаторда ўз ҳамкорлари жуғрофиясини кенгайтириш йўлидан бормоқда, — дейилган мақола муқаддимасида. — Мазкур тенденция, айниқса, Ўзбекистоннинг Кўрфаз араб давлатлари билан алоқаларни янги босқичга олиб чиққанида яққол акс этади”.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, ушбу минтақа давлатлари билан муносабатлар ҳам кўп томонлама, ҳам икки томонлама форматларда ривожланмоқда. Бу “Марказий Осиё — Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши” стратегик мулоқотининг ташкил этилиши ва ушбу форматдаги ҳамкорлик бўйича биринчи олий даражадаги саммитнинг 2023 йилда муваффақиятли ўтказилишида акс этади.

Расмий Тошкент минтақа давлатлари билан алоқаларни икки томонлама ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратмоқда. Бунда Кувайт давлати устувор йўналиш ҳисобланади.

“Жумладан, сўнгги пайтларда Ўзбекистон Кувайт билан сиёсий мулоқотни кучайтирди. 2024 йилнинг апрель ойида Кувайт ташқи ишлар вазири Абдулла ал-Яҳё Ўзбекистон Президенти томонидан қабул қилинди. Биргина 2024 йилнинг ўзидаёқ икки давлат ТИВ раҳбарлари ўртасида 5 марта музокаралар ташкил этилди”, дейилади нашрда.

Қайд этилганидек, мулоқот иқтисодий идоралар ва ишбилармон доиралари ўртасида ҳам кучайтирилди. Ўтган йилда 100 дан ортиқ Ўзбекистон тадбиркорларининг Ал-Кувайт шаҳрига ташрифи амалга оширилди. Таъкидлаш жоизки, муносабатлар динамикасининг бундай тарзда фаоллашуви бежиз эмас. Кувайт Ўзбекистон учун ҳар томонлама манфаатли шерик ҳисобланади.



“Эътибор қаратиш лозим бўлган навбатдаги омил бу мамлакатларнинг иқтисодий аҳамиятидир. Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасининг иккинчи йирик иқтисоди саналади. Сўнгги йилларда республика иқтисоди юқори ўсиш динамикасини намоён этмоқда. Жумладан, охирги етти йил ичида расмий Тошкент мамлакат ялпи ички маҳсулотини 2 бараварга оширишга муваффақ бўлди”, дея таъкидланган мақолада. Кувайт эса глобал ва Яқин Шарқ минтақаси иқтисодиёти учун салмоқли аҳамиятга эга бўлган давлат саналади. Шунингдек, мамлакат дунёдаги нефть экспорт қилувчи йирик 10 та давлатдан бири ҳисобланади.

Мақола “Ўзбекистон ва Кувайтнинг иқтисодий ҳамда сиёсий соҳалардаги ҳамкорлиги икки давлатнинг кейинги изчил тараққиётини таъминлашда муҳим қадам бўлади. Шунингдек, давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг изчиллашуви минтақалараро ҳамкорликни кучайтириш учун яна бир кучли туртки беради”, деган сўзлар билан якунланади.

Шунингдек, мазкур давлатда инглиз тилида босиладиган “The Times” ҳафталик газетасида икки давлат ўртасидаги муносабатларга бағишланган туркум мақолалар чоп этилди.

Жумладан, мамлакатимиз элчиси Аюбхон Юнусовнинг “Кувайт Ўзбекистоннинг ишончли дўсти ва ҳамкори” сарлавҳали мақоласида ёзилганидек, Кувайт Ўзбекистоннинг Яқин Шарқдаги ишончли дўсти ва ҳамкори бўлиб, 1991 йил 30 декабрда республика мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган.

“Ушбу йилдан эътиборан, икки давлат ўртасида иқтисодий ривожланиш ҳамда икки халқнинг фаровонлиги учун умумий интилиш асосида дўстона муносабатлар ўрнатиш даври бошланди. Икки давлат ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий базаси сармояларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисида, Маданият ва санъат соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида, Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида, икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олиш тўғрисида, икки давлат божхона қўмиталари ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битимларни ўз ичига олади”, дейилган материалда.

Бундан ташқари, “The Times” газетаси мамлакатимиз маданият вазири Озодбек Назарбековнинг икки давлат ўртасидаги маданий мулоқотни ривожлантиришга бағишланган мақоласини муштарийлар эътиборига тақдим қилди.

“Ўзбекистон ва Кувайт халқлари ўртасидаги маданий алоқаларни янада ривожлантириш мақсадида маданий тадбирлар, кўргазмалар, фестиваль ва илмий анжуманлар ташкил этилмоқда. Маданият соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида икки мамлакатнинг тегишли маданият ташкилотлари ўртасида доимий мулоқот ва тажриба алмашиш йўлга қўйилган. Қўшма маданий тадбирлар ташкил этиш, санъат ва маданият намояндаларининг ташрифига кўмаклашиш тобора кучайиб бормоқда. Кувайт билан маданий ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ва динамикасини ўрганар эканмиз, кўплаб ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларни кузатиш мумкин. Жумладан, 2017 йилнинг 15-22 декабрь кунлари Ал-Кувайт шаҳрида Ўзбекистон маданияти кунлари бўлиб ўтди. Унинг доирасида “Ал-Адвания” галереясида Ўзбекистонга бағишланган кўргазма ва концерт дастурлари намойиш этилди”, деб ёзган муаллиф.

Мазкур босма нашрда жойлаштирилган юртимиз ҳақидаги навбатдаги мақолада Ўзбекистонда “ақлли” шаҳарларни режалаштириш ва ҳудудларни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар ҳақидаги маълумотлар қаламга олинган. “Кувайтнинг етакчи ишлаб чиқарувчиларини жалб этган ҳолда Ўзбекистонда замонавий илмий-техник мажмуалар, бизнес-инкубаторлар ва стартап акселераторларни ҳамкорликда ташкил этиш бўйича кенг кўламли лойиҳаларни амалга ошириш инновацион ғоялар, ихтиролар ва технологияларни ривожлантириш ва тижоратлаштиришда муҳим аҳамият касб этади”, дея қайд этилган нашрда.

Кувайтнинг “Ал-Жарида” ҳафталик газетасида “Ўзбекистон ва Кувайт ҳамкорлиги: янги босқич сари дадил қадамлар” сарлавҳали мақола босилди. Унда Ўзбекистон элчихонасида мамлакатимизнинг инвестициявий, экспорт ва сайёҳлик салоҳиятига бағишлаб ўтказилган тақдимот тадбири тафсилотлари қаламга олинган. Нашрда сўнгги йилларда Ўзбекистон Президенти раҳнамолигида янги Ўзбекистон дунё ҳамжамияти билан турли соҳаларда, жумладан, маданият, иқтисодиёт ва туризм каби йўналишларда яқин ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаб бораётгани алоҳида урғуланган.

**“Дунё” АА**
*Ал-Кувайт*

# ЁШЛАР — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ОЛТИН ФОНДИ






Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган суратлар.

Бошланиши 1-бетда

Бугун ёшларга янги Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинаси, олтин фонди сифатида қаралмоқда. Дарҳақиқат, бугун мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизини ёшлар ташкил этади. Ҳар йили меҳнат бозорига 600 мингдан ортиқ йигит-қиз кириб келмоқда. 2030 йилга бориб, бу кўрсаткич 1 миллионга етади. Давлатимиз халқаро ҳамжамият томонидан ҳақли равишда ёшлар мамлакати сифатида эътироф этилаётгани ҳам бежиз эмас.

Президентимиз жорий йил 14 февраль куни ёшлар билан мулоқот қилди. Видеоселектор шаклида ўтган учрашувда ёшлар учун имкониятларни янада кенгайтириш чора-тадбирлари муҳокама этилди, фаол йигит-қизларнинг таклиф ва ташаббуслари тингланди.

**Президентимизнинг 14 февраль куни ёшлар билан учрашуви мамлакатимизда навқирон авлодни қўллаб-қувватлашга нечоғлик юксак эътибор қаратилаётганини кўрсатиш билан бирга ҳукумат ва ёшлар ўртасидаги ҳамкорликнинг янги уфқларини ҳам очиб берди. Бугун дунёда рўй бераётган глобал ўзгаришлар шароитида бундай самарали ва самимий учрашувлар, мулоқотлар жуда зарур ва долзарб.**

## “ЁРҚИН ИСТЕЪДОД” ЛОЙИҲАСИ

### БИЛИМГА ЧАНҚОҚ, ЛЕКИН ОИЛАВИЙ ШАРОИТИ САБАБЛИ ЎҚИШ ИМКОНИЯТИ БЎЛМАГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ОРЗУСИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРАДИ



**Улуғбек ИНОЯТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фракция раҳбари**

Учрашув аввалида давлатимиз раҳбари ёшлар тимсолида янги Ўзбекистоннинг бугунги ва эртанги бунёдкорларини кўраётганини таъкидлаб, турли соҳадаги ютуқлари билан тенгдошларига ўрнак бўлаётган ёшларни алоҳида эътироф этди. Шунингдек, ўқимишли, билимли йигит-қизлар сафини кенгайтириш борасида эришилган ютуқларимизга ҳаққоний баҳо берди.

Ҳақиқатан, ҳозир дунёдаги етакчи олий таълим муассасаларида 1,5 мингдан зиёд ўзбекистонлик талаба “Эл-юрт умиди” жамғармаси маблағи ҳисобидан таҳсил олаётгани ёки яқинда Бирлашган Араб Амирликларида ўтган катта форумда Тошкент шаҳридаги Президент мактаби ўқувчилари глобал даражада энг нуфузли номинацияда ғолиб деб топилгани юртимиз тарихида кузатилмаган воқеа сифатида қайд этилиши жуда ҳам тўғри.

Бундан 10 йиллар олдин ўзбекистонлик ёшлар дунёнинг энг илғор олий таълим муассасаларида ўқиши ёки мамлакатимизнинг чекка қишлоқларидан чиққан ўғил-қизларнинг “Tesla” ёки “Google” каби жаҳондаги энг етакчи компанияларда ишлашини тасаввур ҳам қила олмасдик. Бугунги ютуқларга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Бундай натижага эришиш учун мамлакатимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилди. Бу йўналишдаги чора-тадбирларни амалга ошириш учун ресурс ҳам, вақт ҳам тежалмади.

Тадбирда беш йил олдин парламент палаталарида ташкил этилган Ёшлар парламенти ҳақида ҳам сўз юритилди. Ушбу институт фаол, сиёсатга қизиқадиган, интилувчан ёшларни ўз атрофида жамлагани, улар сиёсий етакчилик, демократия, парламентаризм мактаблари қандай бўлишини амалда кўргани эътироф этилди.

Ёшлар парламентига сайланган йигит-қизлар жамиятда рўй бераётган барча жараёнларнинг фаол иштирокчиси сифатида янгидан янги ғояларни илгари суряпти. Ечимини кутаётган масалалар бўйича мақбул вариантларни таклиф қилмоқда. Навқирон авлод вакиллари ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга фаол таъсир кўрсатиш ҳамда қонун ижодкорлигида ўз ўрнига эга бўлиб келмоқда.

Мулоқот давомида ёшларни ташвишга солаётган асосий муаммолар муҳокама қилинди. Йигит-қизларни иш билан таъминлаш, таълим сифатини ошириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида кўплаб ташаббуслар илгари сурилди.

Шунингдек, айрим ҳудудлар раҳбарларининг масъулиятсизлиги оқибатида ўша вилоят ва туманларда ишсиз ёшлар кўплигича қолаётгани ҳақли равишда танқид қилинди. Эътиборлиси, йиғилишда ушбу оғриқли масалани ҳал этишга қаратилган муҳим қарор қабул қилингани таъкидланди.

Унга кўра энди олий таълим битирувчилари бандлигини таъминлаш бўйича янги тизим яратилмоқда. Бунинг учун тегишли банкка 100 миллион долларлик ресурс берилади. Банк Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатаси билан биргаликда олийгоҳ битирувчиларининг ташаббус ва ғояларини лойиҳага айлантириш учун янги банк хизматлари пакетларини жорий этади. Шунингдек, битирувчиларни иш билан таъминлаш бўйича ҳокимлар, банк ва корхона раҳбарларидан иборат комиссия тузилади. Комиссия иш ўринлари яратиш, кадрларга эҳтиёж бор корхона ва ташкилотлардаги бўш ўринларга ёшларни жойлаштириш билан шуғулланади.

Мулоқотда аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлами манфаатларини ифода этадиган ғоя ва ташаббуслар кўп бўлганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, камбағалликни қисқартиришнинг энг самарали ечими таълим экани таъкидланиб, энди камбағал оиланинг фарзандига таълим кредити фоизсиз берилиши, қўшимча грант ажратилиши, контракт тўловининг бир қисми қопланиши қайд этилди.

Бундан буён иқтидорли, билимга чанқоқ, лекин оғир оилавий шароити сабабли ўқиш имкониятига эга бўлмаган ёшларни хорижда ўқитиш бўйича янги тизим — “Ёрқин истеъдод” лойиҳаси жорий этилади. Ҳар бир маҳалладан ижтимоий ҳимояга муҳтож, билимга чанқоқ ёшлар саралаб олиниб, иқтидори аниқланиши ва салоҳиятига мос хорижий олийгоҳ танланиб, тайёргарлик курсларида ўқитилиши ёшларни руҳлантиради, албатта.

Конструктив таклиф ва ташаббусларга бой ўтган учрашувда ёшларга ҳам ўз фикрини билдириш имконияти берилди. Бу долзарб масалаларни ҳал этишда ёш авлоднинг ўрни қанчалик юқори эканидан далолат. Фикримизча, бундай учрашувлар биз — парламент аъзолари, маҳаллий кенгаш депутатлари билан ҳам мунтазам ўтказилиши керак.

Давлатимиз раҳбарининг ёшлар билан учрашуви ҳукумат ва ёш авлод ўртасидаги муносабатларни янги босқичга кўтариш йўлида муҳим қадам бўлди. Биз, депутатлар ёшлар сиёсатини ривожлантириш ва ёшларни жамият ҳаётига интеграциялашга қаратилган ташаббусларни қўллаб-қувватлаймиз. Биргаликда меҳнат қилиб, юртимиз равнақи учун шарт-шароит яратиб, ёш авлоднинг муносиб келажагини таъминлашга тайёрмиз.




## ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ САМИМИЯТИДАН ТАЪСИРЛАНДИМ

**Мени юртдошларимиз жуда илиқ кутиб олганидан хурсанд бўлдим, бундан чексиз миннатдорман. Халқимизнинг дуоси ва қўллаб-қувватловини доим ҳис қилиб тураман. Турли сабабларга кўра 5 йил давомида АҚШ терма жамоаси таркибида бўлганимга қарамай, ватанимизга қайтиш ва юртимиз шарафини ҳимоя қилиб, байроғимизни баланд кўтариш орзуси мени ҳеч қачон тарк этмаган.**

**Гулруҳбегим ТОҲИРЖОНОВА,**
**халқаро спорт устаси, аёллар ўртасида халқаро гроссмейстер**



Президентимизнинг спортга қаратаётган эътибори, шаффофлик ва очиқлик тамойиллари асосида юритаётган сиёсати, адолатни тиклаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари Ўзбекистонда шахмат спорти ривожланиши учун ҳам ижобий таъсир қилди. Мен ҳамиша бу жараёнларни синчковлик билан кузатиб келганман ва ҳар биридан жуда қувонганман. Ана шу қувончлар бирлашиб, Ўзбекистонга қайтиб келишимда катта аҳамиятга эга бўлди, десам янглишмайман.

Ўзбекистонга қайтганимдан кўп ўтмай, давлатимиз раҳбарининг ёшлар билан очиқ мулоқотида иштирок этганим мен учун унутилмас воқеа бўлди. Учрашув давомида давлатимиз раҳбарининг ёшлар билан қанчалик яқинлигини, самимий муносабатини, ҳеч бир муаммога бефарқ эмаслигини кўриб, таъсирландим.

Бугун Ўзбекистон шахмат бўйича дунё тан олган мамлакатлардан бирига айланди. Юртимиздан етишиб чиқаётган ёшлар аллақачон бизнинг шахматсевар миллат эканимизни исботлаб қўйди. Улардаги шижоат, ўзига ишонч шу юрт фарзанди сифатида ҳеч кимни тўлқинлантирмай қолмаса керак. Буларнинг барчаси ёшларни, айниқса, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш натижасида юз беряпти.

Бугун Ўзбекистонда қизлар таълим-тарбиясига эътибор бутунлай янгича тус олган. Бу эътибор шу ватанда туғилиб, улғаяётган ҳар бир қизнинг қалбида “Сен катта ишларни уддалай оласан, бу қўлингдан келади. Ҳаракат қилсанг, бас, ҳамма имконият етарли”, дея акс садо бермоқда. Қайси соҳага қараманг, хотин-қизларнинг фаоллиги ошаётгани ҳақиқат. Шахмат мисолида олсак, спортнинг ушбу тури билан шуғулланаётган қизлар сони кундан кунга шиддат билан ортиб бормоқда. Бу, албатта, қувонарли ҳолат ҳамда келажагимиз бугунгидан ҳам яхши бўлишининг ўзига хос рамзидир.

## МИЛЛИОНЛАРГА ЙЎЛДОШ ПЛАТФОРМА

**Куни кеча давлатимиз раҳбарининг биз, ёшлар билан қилган мулоқотини тарихий учрашувлар сирасига киритсак хато бўлмайди. Боиси, ёшларни қийнаётган муаммолар, ривожланишга тўсиқ бўлаётган омиллар, иқтисодий, ижтимоий, ахлоқий масалаларда ечим бера оладиган муҳим вазифалар белгилаб олинди. Бу эса ёшлар учун яна кўплаб имкониятлар эшигини очди.**

**УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!**



**Саъдулло ҚУРОНОВ,**
**болалар ёзувчиси, “Мутолаа” лойиҳаси муҳаррири**

Мен шу учрашувда қатнашишга муяссар бўлдим. Мулоқот чоғи давлатимиз раҳбари китобхонликни ривожлантириш бўйича яна қандай ишларни амалга оширишимиз керак, деган савол билан юзланди. Бунга жавобан “Мутолаа” лойиҳасини тақдим қилдик. Айни лойиҳа ҳақида муштарийлар учун батафсилроқ маълумот беришни жоиз билдим.

Давлатимиз раҳбари қарори билан Ёшлар ишлари агентлиги, Халқ банки ва Республика ёш ижодкорлар кенгаши нодавлат нотижорат ташкилоти ҳамкорлигида ўзбек тилидаги адабиётлар жамланадиган ва аҳоли томонидан бепул фойдаланиладиган “Мутолаа” мобил иловасини ишлаб чиқиш вазифаси белгиланган эди. Шунга кўра, ёш ижодкорлар ва IT мутахассислар жамоаси биргаликда “Мутолаа” лойиҳасини ишлаб чиқдик. Ўтган йилдан мазкур илова ишга тушди. Лойиҳанинг мақсади — Ўзбекистонда китобхонлик муҳитини яхшилаш, китоб ўқиш ва унинг тарғиботини замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда янги босқичга олиб чиқиш ва кенг тарғиб қилиш. Асосий вазифалари эса ўзбек ва жаҳон адабиёти энг сара намуналарининг электрон ва аудиовариантини бир жойга жамлаб, бепул ўқиш ва тинглаш имкониятини яратиш. Шунингдек, ёшларни мутолаага янада қизиқтириш мақсадида YouTube платформасига китобларни видеоформатда жойлаш.

Таҳлилларимиз ҳозирги кунда мобил иловани умумий юклаб олишлар сони 1,5 миллиондан, ўқилаётган китоблар сони 5 миллиондан ошганини кўрсатяпти. Шу кунга қадар аудиоформатдаги 1667 та, электрон форматдаги 1950 та китоб “Мутолаа” мобил иловасига жойланди. Лойиҳада аудиокитоблар, электрон китоблар, болалар адабиёти, IT дастурлар, сунъий интеллект, иллюстрация, медиа, китоб-кино ва таржима асарлар йўналишларида 150 га яқин мутахассис ишлаб келмоқда.

Лойиҳа доирасида ўзбек адабиётининг сара намуналарини хорижий тилларга ўгириш ва жаҳон бўйлаб кенг тарғибот қилиш мақсадида Абдулла Қаҳҳорнинг “Ўтмишдан эртаклар”, Одил Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси”, Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар”, Жавлон Жовлиевнинг “Қўрқма” каби асарлари чет эллик мутахассислар ёрдамида таржима қилинмоқда.

“Мутолаа” лойиҳасининг муҳим йўналиши болалар адабиётидир. Лойиҳа ҳузурида ёш ижодкорлар мактаби ташкил этилиб, улар томонидан “Илдиз” тўплами яратилди. Учрашувда “Илдиз” тўплами ҳақида ҳам сўз юритдим. Мазкур тўплам аслида Президентимизнинг 2022 йил сўнгида Республика Маънавият ва маърифат кенгаши кенгайтирилган мажлисида “Улуғ аждодларимизнинг болалиги акс этган қизиқарли, ранг-баранг, содда тилдаги китоблар йўқ”, деган фикридан илҳомланиб яратилди. Зеро, айни йиғилишдан сўнг биз, ижодкорлар Ёшлар ишлари агентлиги ҳузурида бирлашиб, бу ишга бел боғладик. Буюк аждодларимиз болалиги ҳақида китоблар яратишга киришдик. Бунинг учун жамоада кўплаб мутахассислар бор. Ренессанс асосчилари бўлган боболаримизни қадриятларимиз илдизларига қиёслаб, тўпламни “Илдиз” деб номладик. Чунончи, бугунги тафаккуримиз, илмий салоҳиятимизда Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Мирзо Улуғбек, Ибн Сино, Беруний каби буюкларимизнинг ўрни катта. Платформаларга боғланиб қолган болаларга шуни сингдира олсак, қадриятларимиз ҳақидаги китобларни тақдим қилсак, кўзланган маррага етамиз. Бугун болаларни миллий маҳсулотлар билан озиқлантиришга алоҳида эътибор бериляпти. Тўпламдан улуғ аждодларимизнинг болалик сиймолари акс этган 10 та расмли китоб жой олган. 2025 йилда яна 10 та тўплам яратишни мақсад қилганмиз. Бу борада ёш иллюстраторлар, кўплаб рассом ёшларни қамраб олишни режалаштирганмиз. Ёшларни сунъий идрокни ўзлаштириш, ривожлантиришга жалб қилдик. Зеро, йиғилишда ҳам бунга алоҳида урғу берилди.

“Илдиз” ҳам электрон форматда, ҳам анимацион мультфильм кўринишида тақдим этилади. Сунъий интеллект ёрдамида китобларга чизилган суратлар асосида мультфильмлар яратдик. Қувонарлиси, буни болажонлар жуда яхши қабул қилди. Насиб қилса, жамоамиз томонидан яна 100 та мультфильм ишланади.

Шунингдек, лойиҳа доирасида янги — “китоб-кино” жанри яратилди. Кинонинг бундай турида муайян китоб асосида ҳужжатли фильм тайёрланади. Уни кўрган томошабинда шу китобни ўқишга қизиқиш пайдо бўлади. Ҳозиргача “Қўрқма”, “Унсин”, “Кичкина шаҳзода”, “Чол ва денгиз”, “Пуанкаре” фильмлари яратилиб, YouTube платформасига жойлаштирилди.

Шу кунга қадар 740 та асар илк бор сифатли форматда овозлаштирилди. Бундай кўрсаткич ва натижадорлик аудиокитоблар соҳасида кузатилмаган. Аудиокитоблар 30 дан ортиқ профессионал дубляж актёри, халқ артисти томонидан, энг замонавий студияларда ёзиб олинди.

Лойиҳанинг яна бир муҳим мақсади юртимизданоширлик фаолиятини ривожлантириш, муаллифлар нуфузини ошириш, ҳуқуқларини таъминлашдир. “Мутолаа премиум” иловаси шу мақсадда ишга туширилди. У ноширлар ва муаллифларга ўз китобларини сотиш, моддий даромад кўриш имконини яратади. Ҳозиргача “Мутолаа” ва “Asaxiy books” ўртасида ўзаро манфаатли шартнома тузилиб, нашриётнинг барча китоблари иловага жойланди. Лойиҳада сунъий интеллект имкониятларидан самарали фойдаланиш мақсадида алоҳида жамоа шакллантирилиб, ҳозир овозни клонлаштирадиган ва ўзбек тилидаги матнни ўқий оладиган дастур устида ишланмоқда. Яқин келажакда “Мутолаа” иловасидаги электрон китобларни ана шу дастур билан автоматик тарзда овозлаштириш имкони туғилади. Лойиҳа адабий жараённи жадаллаштириш, ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида маданий тадбирлар ҳам уюштиради. Хусусан, ҳар ойда бир марта ташкил этиладиган “Шеърият кечаси” ёшлар орасида оммалашиб, ёш ижодкорларни рағбатлантириб келмоқда.




Мухтасар айтганда, бугун “ёшлар китоб ўқимай қўйди”, деган қарашларнинг тўғри эмаслигини “Мутолаа” иловасида акс этаётган рақамлар исботлайди. Демак, бу шунчаки илова эмас, балки китобхонликни оммалаштирувчи, китоб саноатини ривожлантирувчи платформа. Агар миллион ўқувчи бўлса, “Мутолаа” орқали уни 5-10 миллионга чиқара олсак, китоб бозорининг кенгайгани яққол кўринади. Зеро, электрон китоблар билан мутолаани янада осонлаштирамиз. Ваҳоланки, Ўзбекистонда электрон китоблар бозори деярли йўқ, десак бўлаверади. Электрон китоб сотадиган платформалар жуда камлигидан соҳа ривожланмай келаётган эди. Иловада қўшимча тўлов эвазига электрон китобларни ўқиб бориш мумкин. Бу нашриётларнинг нафақат босма, балки электрон китоблари билан ҳам даромад кўришини таъминлайди. Биз уларни қўллаб-қувватлашга, ўқувчилари сонини оширишга ҳисса қўшишга тайёрмиз.



Буюк ўзбек йўли

# “ЯШИЛ” ТРАНСФОРМАЦИЯ САРИ

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ДАВЛАТ ДАСТУРИ ҲАЁТИМИЗНИНГ БАРЧА СОҲАЛАРИНИ ШУ НЕГИЗДА ЯНГИЛАШГА ҚАРАТИЛГАН



Бошланиши 1-бетда

Олий Мажлис депутати, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори, академик Акмал САИДОВ билан ушбу фармоннинг мазмун-моҳияти ва янги давлат дастурининг аҳамияти ҳақида суҳбатлашдик.

— Бу муҳим давлат дастури, аввало, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини амалга оширишга қаратилгани билан эътиборлидир, — деди Акмал Саидов. — Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бунга қадар ҳам иккита стратегия ишлаб чиқилгани ва қабул қилинганидан хабардорсиз. Янги Ўзбекистоннинг биринчи стратегик дастури — Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси 2017-2021 йилларда амалга оширилди. Иккинчи стратегик дастур — Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт



стратегияси 2022-2026 йилларга мўлжалланган бўлиб, айни пайтда ҳаётимизнинг барча соҳаларида изчил татбиқ этилмоқда.

Учала стратегик дастур ҳам юртдошларимиз ва халқаро ҳамкорлар таклиф-тавсиялари асосида ишлаб чиқилган. Шунинг учун улар ниҳоятда халқчил ва амалий, давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларини тугал қамраб олган.

**— Янги Ўзбекистоннинг учинчи стратегик дастури ҳақида мухтасар маълумот берсангиз.**

— Бу ҳақда фикр юритганда, биринчи навбатда, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ҳаётимизнинг энг устувор йўналишларини қамраган бешта асосий соҳани зикр этиш ўринлидир. **Биринчи мақсад** — таълим йўналиши, **иккинчи мақсад** — барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, **учинчи мақсад** — сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, **тўртинчи мақсад** — қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш, **бешинчи мақсад** — ташқи сиёсат ва Қуролли Кучларимизнинг ҳарбий салоҳиятини янада оширишдан иборат.

Президентимиз қайд этганидек, **“Ўзбекистон — 2030” стратегияси — халқимизнинг эркин ва фаровон, қудратли Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича ҳоҳиш-иродасини рўёбга чиқариш, ҳар бир фуқарога ўз салоҳиятини ривожлантириш учун барча имкониятларни яратиш, соғлом, билимли ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, кучли иқтисодиётни шакллантириш, адолат, қонун устуворлиги, хавфсизлик ва барқарорликни кафолатлаш тамойилларига асосланган стратегик устувор аҳамиятга эга ҳужжат**.

Ушбу стратегиядаги 100 та устувор мақсад замирида халқимизнинг янги Ўзбекистонни барпо этиш, ҳар бир фуқаронинг ўз салоҳиятини ривожлантириш учун имкониятлар яратиш, соғлом, билимли ва маънавий етук авлодни вояга етказиш, жаҳон ишлаб чиқаришининг муҳим бўғини бўлган, адолат ва қонун устуворлиги, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлайдиган қудратли иқтисодиётни шакллантириш, ҳар бир фуқаронинг ўз салоҳиятини юксалтиришга интилиши мужассам.

Ҳар бир мақсад муайян чора-тадбирлар ва қатъий вазифаларни кўзда тутади. Бу вазифаларнинг кўлами ва миқёси қанчалик қамровдор бўлса, ижросини таъминлаш механизмлари ҳам шунчалик аниқ.

Стратегия тадбирлари БМТнинг 2030 йилгача Барқарор ривожланиш мақсадларининг **“ҳеч кимни ортда қолдирмаслик”** тамойилига ҳамоҳанг амалга оширилмоқда. Шу жиҳатдан БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш 2024 йил 30 июнь — 1 июль кунлари мамлакатимизга расмий ташрифи чоғида **“Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида амалга оширилаётган ортга қайтмасислоҳотлар БМТ томонидан қўллаб-қувватланаётганининг тасдиғи”** эканини таъкидлагани таҳсинга сазовор.

Эътиборли жиҳати, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Қисқа даврда ушбу стратегик дастур ижроси доирасида — Ўзбекистоннинг янги таҳрирдаги Конституцияси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси талабларига мувофиқ ҳамда БМТнинг устав органлари ва шартнома қўмиталари тавсияларини ҳисобга олган ҳолда — инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, хусусан, болалар, аёллар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича муҳим тадбирлар амалга оширилди.

Бунга биргина мисол қилиб, янги таҳрирдаги Конституцияда ҳар бир инсоннинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун миллий ва халқаро институтларга мурожаат қилиш ҳуқуқи кафолатланганини кўрсатиш мумкин. Конституциявий шикоят институти конституциявий даражада мустаҳкамланиб, фуқаролар Конституциявий судга бевосита мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлди. Жаҳон мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг мақоми конституциявий даражада таъминланди.

**— Акмал Холматович, ўтган йилда бу борада қилинган ишлар қандай самаралар берди?**

— “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида 2024 йилда бажарилиши лозим бўлган 691 та топшириқдан 580 таси тўла амалга оширилди. Жумладан, **2024 йилда 235 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган бўлиб, шундан 6 таси қонун, 30 таси Президент ҳужжатлари, 33 таси ҳукумат қарори, 166 таси бошқа турдаги ҳужжатлардир.**

Қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш соҳасида сезиларли натижаларга эришилди. Бу борада, жумладан, аҳоли учун **“Сервис давлат”** тизимини жорий қилиш, фуқаро ва давлат ўртасидаги муносабатларда бюрократик тартиботларга барҳам бериш каби қатор амалий ишлар бажарилди.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришга қаратилган янги чора-тадбирлар қабул қилинди. Хусусан, 2025 йил 1 январдан жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судларида тергов судьяси лавозими жорий этилди. Ушбу судьяга “хабеас корпус” институтини қўллаш борасида қатор ваколатлар берилди.

Ўз навбатида, 2024 йилда Ўзбекистон биринчи марта БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши — ECOSOC ҳамда Халқаро меҳнат ташкилоти маъмурий кенгаши аъзолигига сайланди. Шунингдек, Ўзбекистон вакили илк бор БМТ Инсон ҳуқуқлари қўмитасига аъзо бўлди.

Мамлакатимизга 2024 йил августида **БМТнинг Муносиб турар жой масалалари бўйича махсус маърузачиси Б.Раджагопал ташриф буюрди.** Тегишли давлат ташкилотлари ва турли муассасаларда у билан бўлиб ўтган учрашувларда мамлакатимизда аҳолини муносиб уй-жой билан таъминлаш, инфратузилмани яхшилаш соҳасидаги ишлар атрофлича муҳокама қилинди.

Ўзбекистон БМТ тузилмалари, бошқа халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан инсон ҳуқуқларини илгари суриш ва ҳимоя қилиш масалалари бўйича ҳам фаол ҳамкорлик қилмоқда. Мамлакатимиз томонидан ратификация қилинган шартномаларнинг бажарилиши бўйича БМТнинг устав органлари ва шартномавий қўмиталарига миллий маърузалар ўз вақтида тақдим этиб келинмоқда.



> **Президентимиз 2025 йилни юртимизда Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили деб эълон қилиши замирида, шубҳасиз, янги Ўзбекистонни барпо этиш ва Учинчи Ренессанс пойдеворини қўйиш йўлида бошлаган ишларимизни янги, янада юксак босқичга кўтариш мақсади ўз ифодасини топган.**

Ўзбекистон ва Халқаро меҳнат ташкилоти ўртасидаги ҳамкорлик сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Айни халқаро ташкилот кўмагида мамлакатимизда меҳнат соҳасида 40 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат чиқарилиб, 24 та халқаро конвенция ратификация қилинди.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ҳуқуқий таълим самарадорлигини ошириш, шунингдек, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимга оид жаҳон дастурининг тўртинчи босқичида белгиланган вазифаларни бажариш бўйича ишлар фаол давом эттирилмоқда. Шу мақсадда янги Ўзбекистонда Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим миллий дастури изчил амалга оширилмоқда.



Шу ўринда яна бир муҳим тадбир ҳақида гапириб ўтмасак бўлмас. 2024 йил июнида Самарқандда ўтказилган Инсон ҳуқуқлари бўйича тўртинчи форум **“Экологик таҳдидлар: ўзгараётган дунёда инсон ҳуқуқларининг истиқболи ва барқарор ечимларни излаш”** мавзусига бағишланди. Ўзбекистон Президентининг форум иштирокчиларига йўллаган табригида 2018 йилда ташкил этилган Инсон ҳуқуқлари бўйича биринчи Осиё форуми жаҳон амалиётига ўзига хос “Самарқанд руҳи”ни олиб кирганини таъкидланди.

Ўтган йили Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция қабул қилинганининг 45 йиллиги, Қийноқларга ҳамда муомала ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситадиган турларига қарши конвенция қабул қилинганининг 40 йиллиги ва Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция қабул қилинганининг 35 йиллигини нишонлашга қаратилган кўламдор тадбирлар ўтказилди.

Қонун ижодкорлиги соҳасида, айниқса, янги таҳрирдаги Конституция нормаларини ҳаётга татбиқ этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

**— Жорий йилнинг Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили деб эълон қилиниши билан боғлиқ устувор мақсадлар бу борадаги давлат дастурида қай даражада тўлиқ акс этган деб ўйлайсиз?**

— Президентимиз 2025 йилни юртимизда **Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили** деб эълон қилиши замирида, шубҳасиз, янги Ўзбекистонни барпо этиш ва Учинчи Ренессанс пойдеворини қўйиш йўлида бошлаган ишларимизни янги, янада юксак босқичга кўтариш мақсади ўз ифодасини топган. Бу мақсадни рўёбга чиқаришнинг жорий йил бўйича устувор йўналишлари ва асосий вазифалари Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенати биринчи мажлисларида ҳамда давлатимиз раҳбарининг ҳар икки палатанинг илк қўшма мажлисида сўзлаган нутқларида аниқ белгилаб берилди.

Парламентимизда, Президентимиз таъбири билан айтганда, **“Халқ уйи”да** депутатлар ва сенаторлар билан муҳокама қилинган барча ташаббус ва режалар, илгари сурилган ғоя, мақсад ва вазифалар, моҳият эътиборига кўра, Ўзбекистон Президентининг Олий Мажлис ва халқимизга навбатдаги — бешинчи Мурожаатномаси мақомига эга. Ушбу Мурожаатнома ўзига хос иккита хусусиятига кўра бу борада орттирилган миллий тажриба ва кўп йиллик хорижий амалиётдан мутлақо фарқ қилади.

**Биринчи хусусияти:** Мурожаатномада мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида янги таҳрирдаги Конституциянинг таъсири ва илк амалий натижалари чуқур таҳлил этилди. Янги Ўзбекистон Конституциясини ҳаётимизнинг барча соҳаларига теран татбиқ этиш истиқболлари белгилаб берилди.

**Иккинчи хусусияти:** Мурожаатнома парламентга яхлит ва ягона дастурий ҳужжат сифатида тақдим этилмай, Президентнинг **“парламент ҳафталиги”** доирасида уч кун давомида — янги сайланган Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг биринчи мажлисларида ҳамда ҳар икки палата қўшма мажлисида алоҳида нутқ тарзида эълон қилинди.

Президентимизнинг Мурожаатномасида янги Ўзбекистон миллий тараққиётининг устувор йўналишлари ва энг асосий вазифалари белгилаб берилди. Истиқболдаги қонун ижодкорлиги дастури доирасида яқин йилларда парламент ишлаб чиқиши ва қабул қилиши ҳамда ҳукумат амалга ошириши керак бўлган энг муҳим қонунлар рўйхати таклиф этилди.

Мурожаатномада, шунингдек, аҳолининг маънавий-маърифий маданиятини юксалтириш, айниқса, ёшларни давлат рамзларига ҳурмат руҳида тарбиялаш, жамиятда ватанпарварлик туйғусини ошириш юзасидан амалий таклифлар билдирилди. Давлатимиз ташқи сиёсатининг тинчлик, барқарорлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик тамойилларига асосланган устувор соҳалари ривожини таъминлашга эътибор қаратилди.

**— Янги давлат дастури ишлаб чиқилиши ва умумхалқ муҳокамасидан ўтказилиши жараёнига оид қандай энг муҳим маълумотларни тақдим эта оласиз?**

— Давлат дастури лойиҳаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатида кўриб чиқилди. Ўрнатилган тартибда лойиҳа матни тегишли экспертизалардан ўтказилди. Дастур лойиҳаси матни кенг жамоатчилик муҳокамаси учун интернет тармоғидаги uzbekistan2030.uz, regulation.gov.uz веб-сайтлари, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда эълон қилинди.



Унинг эътиборли жиҳат иккита. Биринчиси, давлат дастури лойиҳаси муҳокамаси янги давр талабларига ҳамоҳанг, яъни кенг ва очиқ тарзда ташкил этилди. Иккинчи жиҳати, ушбу муҳокамалар жуда натижадор бўлди. **Жамоатчилик фикри асосида салкам 100 та концептуал таклиф ва мингдан зиёд аниқлаштирувчи ва таҳририй тавсиялар лойиҳа матнини такомиллаштиришда ҳисобга олинди.**

Интернет ва ижтимоий тармоқларда қарийб 11 миллион фойдаланувчи лойиҳа матни билан танишиб, ўз таклиф ва изоҳларини қолдирди. Катта аудиторияга эга қатор сайтлар ва энг оммабоп ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларда 3 мингдан зиёд таҳлилий мақола жойлаштирилди. Олий ўқув юртлари ва давлат ташкилотларида ўтказилган 50 дан ортиқ муҳокама тадбирида қарийб 10 минг талаба ва профессор-ўқитувчи ҳамда давлат хизматчилари иштирок этди.

**— Давлат дастури лойиҳасига муносабатнинг мазмун-моҳиятини очиб берадиган қандай амалий мисоллар айта оласиз?**

— Лойиҳага халқимиз жуда катта қизиқиш билдирди. Ҳужжатда ўз аксини топган қатор экологик ташаббуслар кенг қўллаб-қувватланди. Бу ўринда, айниқса, маҳаллаларни яшиллаштириш, жумладан, **“Сояли сайр кўчалари”** тармоғи яратилиши, велосипед ва пиёда йўллари алоҳида ажратилиши, **“Тоза қўллар” дастури** доирасида аҳоли томонидан санитария-гигиена воситаларидан фойдаланиш имконияти кенгайтирилиши, пластик чиқиндиларни камайтириш, хусусан, уларни қабул қилувчи автоматлар ўрнатиш ва пластик идишларга муқобил маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантиришни айтиб ўтишим мумкин.

Шунингдек, сув ресурсларини тежаш, жумладан, оқова, ёмғир ва техник сувлардан суғоришда фойдаланиш тизимларини ташкил этишга оид ташаббуслар юртдошларимизга ниҳоятда мақбул ва манзур бўлганини таъкидлаш лозим.

Дастур лойиҳасига хориждаги ватандошларимиз ҳам катта қизиқиш билдирди. АҚШ, Германия, Туркия, Франция, Жанубий Корея, Япония, Нидерландия, Россия, Беларусь, Қозоғистон, Тожикистон каби мамлакатларда улкан муваффақиятга эришган ватандошлар иштирокида айни мавзуда ташкил этилган кўплаб муҳокамалар шундан далолат беради.

Хусусан, Буюк Британиядаги “Тўмарис” ўзбек аёллари жамоат бирлашмаси раҳбари Замира Артикова ушбу дастурда **“Аёлларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳаракатлар Буюк Британия ва бутун дунёда яшаётган ўзбек аёлларини жуда хурсанд қилди”**, деб эътироф этади.

АҚШдаги Калифорния университети профессори Шароф Тугизов давлат дастурига муносабат билдирар экан, жумладан, бундай дейди: **“Аҳоли саломатлигини яхшилаш, касалликларни барвақт аниқлаш ва даволаш тизимини ривожлантириш жамият фаровонлиги учун зарур. Бу борада, айниқса, рақамли технологияларни жорий этиш ва скрининг тадбирларини оммавий равишда ўтказиш муҳим натижаларга эришишга хизмат қилади”.**

Даниянинг Орхус шаҳридаги “Ўзбек ташаббуслари” уюшмаси раҳбари Маърифат Акбарова давлат дастурида кўзда тутилган **“Чиқиндиларни саралаш маданиятини болаларга боғча ва мактабдан бошлаб ўргатиш, чиқинди контейнерларини мактаб ва шаҳар кўчаларида кўпроқ қўйиш орқали чиқиндилар хомашё ресурсига айланиши”га эришиш ғояси исрофнинг олдини олишга хизмат қилади”**, дея уқтиради.

Ўз навбатида, халқаро ҳамжамият намояндалари томонидан “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури лойиҳаси юқори баҳоланиб, уни амалга ошириш борасида кенг кўламли ҳамкорлик таклиф қилинди. Жумладан:

**Сабина Махл** (БМТ): **“Дастурдаги ташаббуслар глобал даражада экологик сиёсатда Ўзбекистоннинг алоҳида ўрнини кўрсатади”;**

**Сара Ношади** (ЮНЕСКО): **“Асосий урғу экология ва “яшил иқтисодиёт” масалаларига қаратилгани мамлакатнинг минтақада экология муаммоларини ҳал этишда етакчи давлатга айланаётганидан далолат беради”;**

**Ашина Халакдина** (ЖСТ): **“Дастурдаги иқлим ўзгаришининг инсон саломатлигига таъсирини юмшатиш чоралари муҳим аҳамият касб этади”;**

**Акико Фудзи** (БМТ): **“Ёшлар, аёллар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа инсонларни қўллаб-қувватлашга оид ташаббусларни амалга оширишда БМТ ҳар томонлама кўмак кўрсатади”;**

**Манфред Хутерер** (Германия): **“Фармондаги ташаббуслар фуқароларнинг экология ва атроф-муҳитни асрашга бўлган дунёқарашини ўзгартиришга хизмат қилади”,** деган мазмунда баёнотлар берди.

Кенг жамоатчилик муҳокамаси асносида “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури лойиҳаси халқимизнинг дилидаги орзу-истаклари ижобатига қаратилгани ўз тасдиғини топди. Шу билан бирга, чет эллардаги ватандошларимиз, хорижий экспертлар ва халқаро ташкилотлар намояндалари айни лойиҳани юқори баҳолади.

**— “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури ниҳоятда қамровдор ва сертармоқ ҳужжат. Унга қисқа, айни чоғда тушунарли тарзда қандай таъриф бериш мумкин?**

— Давлат дастурида “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг 5 та йўналишида 2025 йилда амалга ошириладиган чора-тадбирлар белгилаб берилди. Бу, ўз навбатида, жорий йилда, **биринчидан,** 295 та амалий чора-тадбирни бажариш, **иккинчидан,** 87 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, **учинчидан,** ҳар бир йўналиш бўйича ўнлаб, юзлаб мақсадли кўрсаткичларга эришиш зарурлигини назарда тутади.

Хусусан, давлат дастурида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказига **инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича узоқ муддатли миллий стратегияни тасдиқлашга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси**ни тайёрлаш вазифаси юкланган. Айни вақтда ҳамкор вазирлик ва ташкилотлар билан ҳамжиҳатликда ушбу вазифани бажаришга киришдик.

Хулоса қилиб айтганда, давлат дастуридаги устувор мақсад ва асосий вазифаларнинг барчаси Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили талаб ва мезонларидан келиб чиққан ҳолда белгилаб берилди. Президентимиз таъкидлаганидек, **“Биз табиат ҳақида сўз юритганда, кўпинча “она табиат” деган иборани ишлатамиз. Ўйлайманки, бу шунчаки чиройли, шоирона сўз эмас, балки унинг замирида чуқур ҳаётий ҳақиқат бор. Биз мўътабар она зотини қандай юксак ҳурмат-эҳтиром қилсак, ўзимизни қуршаб турган табиатга ҳам шундай муносабатда бўлишимиз зарур. Зеро, табиатни асраш — инсонни асраш демакдир”.**

**Ғулом МИРЗО суҳбатлашди.**

Нуқтаи назар

**Биз тараққиётнинг тобора илдамлаб бораётгани ҳақида кўп ва хўб сўз юритганмиз. У билан ҳамқадам бўлишга, ривожланишлар шиддатидан ортда қолмасликка ҳаракат қилиб келяпмиз. Бугун шов-шувларга сабаб бўлган янгилик эртага оддий ҳолатга айланиб бораётган даврда фарзандларимиз янада билимли, ҳунарли бўлиши учун имкониятлар майдонини кенгайтириб бораётганимиз ҳам бежиз эмас.**







УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

# ҲОЗИР ДИПЛОМ УЧУН ЭМАС, ЕТУК МУТАХАССИС БЎЛИШ УЧУН ЎҚИЙДИГАН ДАВР

**Орифжон БОЗОРОВ,
физика-математика фанлари номзоди, доцент**

Биргина олий таълим соҳасини олайлик. Бугун биз тайёрлаётган кадрлар, мутахассислар ишлаб чиқариш бозорида қанчалар харидоргир? Корхона ва олий таълим муассасаси ўртасидаги ҳамкорлик ўзини қай даражада оқлаяпти? Муаммолар нимада, ечим қаерда?

Президентимиз раислигида 2024 йил 20 июнь куни муҳандислик соҳаларида кадрлар тайёрлаш ва олий таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу ҳақда атрофлича фикр юритилди.

## Ўзгаришлар фурсати

Таълимга эътибор давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлантирилиши Ўзбекистоннинг келажакда ўзига хос таълим хаби бўлишини таъминлайди. Иқтисодий ўсиш барча тизимлар ривожи учун муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Аҳоли даромади ошади, иш ўринлари кўпаяди, янги инновацияларни жорий этиш имкониятлари кенгаяди. Бу, ўз навбатида, малакали кадрларга талаб ортишига сабаб бўлади.

20 июндаги йиғилишда белгилаб берилган вазифалар муҳандислик соҳасидаги олий таълим муассасалари учун янги даврни, ўзгаришлар жараёнини бошлаб берди. Биринчидан, олий таълим муассасаларининг саноат корхоналари билан ҳамкорлиги кўлами янада кенгайди. Иккинчидан, олий таълим муассасалари оптималлаштирилиши белгиланди. Учинчидан, олийгоҳларнинг ишлаб чиқариш соҳалари билан ўзаро интеграцияси янада кучайтирилмоқда.

Кадрлар салоҳияти биргина олий таълим муассасаси берадиган билим билан чегараланиб қолмайди. Шу боис, давлатимиз раҳбари соҳани ривожлантириш учун янги ташаббусларни илгари сурди. Эндиликда техника йўналишида ўқитиш ва илмий тадқиқот жараёнлари илғор тажрибалар асосида тўлиқ ўзгартирилмоқда. Улар йириклаштирилиб, дуал таълим тизимига ўтказилмоқда.

Меҳнат бозорида талаб йўқ мутахассисликлардан воз кечиш вақти келди. Олий таълим муассасалари таълим йўналишларини ишлаб чиқариш соҳасидаги талаблардан келиб чиқиб белгилаши лозим. Сабаби тизимда хусусий таълим ташкилотлари фаолияти ҳам ривожланиб бораётгани рақобат муҳитини кенгайтирмоқда. Ота-оналар, ёшларнинг дунёқараши ўзгаряпти. Ҳозир диплом учун эмас, мутахассис бўлиб етишиш учун ўқийдиган пайт. “Ўқияптими, ўқияпти”, деб эмас, “Ўрганяптими, изланяптими?” дея савол қўядиган, фикр юритадиган вақт ҳозир.

Шунинг учун “тармоқ — корхона — олийгоҳ” тамойили асосида ҳар бир олийгоҳга саноат корхонасини ҳамкор сифатида бириктириб қўйиш белгиланди. Ҳамкор корхоналарда барча муҳандислик олийгоҳлари кафедралари очилди. Талабаларнинг амалиёти ва битирув курсдаги таълими тўлиқ ҳамкор корхоналарда ташкил қилинмоқда.

## Дунё билан ҳамқадам

Улуғ маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудий бундай деган: “Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур, замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқаларга поймол бўлур”. Бу ҳикмат бугунги кун учун айтилган, гўё. Бир аср илгари билдирилган, бироқ ҳозир ҳам катта қадр-қийматга эга ҳикмат бу.



Олий таълим муассасалари сони ва қамрови ортиб бораётгани, улар ўртасида соғлом рақобат муҳити шаклланганни, малакали мутахассис тайёрлашга талаб давлат сиёсати даражасига кўтарилгани ҳар биримизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди.

Дунё билан тенглашиш учун дунё билан ҳамқадам бўлиш лозим. Сир эмаски, бугунги кунда жаҳон университетлари “Университет 4.0” моделига ва тўртинчи саноат инқилобига ўтиш каби масалалар устида бош қотирмоқда. Бу нимани англатади?

“Университет 1.0” моделидаги университетлар фақат таълим бериш, “Университет 2.0” моделидаги университетлар таълим бериш билан бирга илмий фаолиятни ҳам йўлга қўйиш, “Университет 3.0” моделидаги университетлар эса илмий фаолият, таълим ва илмий ғояларни бизнесга татбиқ этиш билан шуғулланади.

“Университет 4.0” моделидаги университетлар бутун эътиборини миллий иқтисодиётнинг саноат ва ишлаб чиқариш соҳаларини фундаментал ўзгартириб, янги йўналишлар очиш, харажатларни максимал даражада минималлаштириш орқали даромадларни юксалтириш, инсон омилини чеклаш орқали иқтисодиётнинг ҳар бир жабҳасини рақамлаштиришга эришиш, иқтисодий ўсишни таъминловчи янги инновацион моделларни таклиф қилишга қаратади.

Тўртинчи саноат инқилоби эса сунъий интеллект, робототехника, инсон омилисиз ўзаро алоқа ўрнатиш имконини берувчи йўналишлар интернети, генетик муҳандисликнинг жадал суръатлар билан ҳаётга татбиқ этилишидир.

Жорий йилнинг 7 февраль куни Президентимиз раислигида ҳудудларда хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида барча соҳалар каби олий таълим тизимидаги фаолият кўлами таҳлил қилинди. Ёшларнинг ахборот технологиялари бўйича билим ва малакаларини ошириш, рақамлаштириш сиёсати изчиллиги билан боғлиқ вазифалар ҳам ўртага ташланди. Давлатимиз раҳбари “Қайси раҳбар рақамлаштиришни кечиктирса, очиқлик сиёсатимизга қарши чиққан бўлади”, дея таъкидлади.

Бундан ташқари, ёшларни IT ва чет тилига ўқитиб, халқаро тан олинган сертификат берадиган тадбиркорлар биринчи йил ижара тўламаслиги белгиланди. Бу саъй-ҳаракатлар дунё билан бўйлашиш, ривожланган давлатлар билан ҳамқадам бўлиш, соғлом рақобатга киришиш учун қилинмоқда.

## Янгиланишлар моҳияти

Бугун дунё эврилишлар шиддатини теран ҳис этмоқда. Етакчи давлатлар бюджетининг асосий қисмини янги технологияларни жорий этишга сарфлаётир. Шундай экан, биз ҳам янгиланишлар сари илдамроқ қадам ташлашимиз лозим. Шу ўринда олий таълим муассасаларида энергетика соҳаси учун сунъий интеллект ва рақамлаштириш, инжиниринг, ишлаб чиқариш муаммолари ечимига қаратилган илмий-инновацион ишланмаларни яратиш ва тижоратлаштириш йўналишида илмий-амалий фаолият юритадиган “Яшил энергетика ва интеллектуал энергетик тизимлар” илмий-тадқиқот институтини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Республикамизда драйвер соҳага айланган энергетика тизимида “яшил” энергетикани ривожлантиришга қаратилган интеллектуал энергетик тизимлар, қайта тикланувчи энергия турлари асосидаги энергиятежамкор технологиялар ва қурилмалар, саноат иссиқлик энергетикаси, сунъий интеллект ва рақамли энергетика йўналишларидаги илмий изланишлар жадаллаштирилмоқда. Илмий тадқиқот ишлари нуфузли хорижий илмий марказлар, Ўзбекистон Фанлар академияси илмий-текшириш институтлари ва соҳа корхоналари билан ҳамкорликда ҳуддаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар ечимларини ишлаб чиқаришга қаратилади.

Бунда ёқилғи-энергетика комплекси тармоқлари ва энергия ишлаб чиқариш, узатиш, тақсимлаш ва ишлатиш тизимларидаги илмий-технологик муаммолар бўйича илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, рақамли илмий-инновацион ечимлар ва маҳсулотлар ишлаб чиқиш, “тармоқ — корхона — олийгоҳ — илмий тадқиқот институти” занжири асосида илмий ишланмаларни тижоратлаштириш амалга оширилади. Нуфузли корхоналар билан ҳамкорлик кўлами янада кенгаяди.

Муҳандислик соҳасида ёш олимлар ва талабаларнинг бизнесга йўналтирилган инновацион ғояларини бозорга тайёр маҳсулот сифатида етказиш, тадқиқотчиларнинг ишланмалари ва лойиҳаларининг тажриба нусхалари ҳамда прототипларини ясаш ва синовдан ўтказиш шароитларини яратиш мақсадида олий таълим муассасаларида “Устахона-Fablab”, 3D-лойиҳалаш ва моделлаштириш ҳамда кичик ишлаб чиқариш цехларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Бу, ўз навбатида, ёш олимлар ва талабалар учун иш ўринлари яратишга хизмат қилади.

“Устахона-Fablab” комплексидаги кичик ишлаб чиқариш цехларида талаба ёшлар ва тадқиқотчилар инновацион ва тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилинади. Ҳудуддаги илмий-техник лойиҳаларни бошқариш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлайдиган корхоналар билан ўзаро самарали ҳамкорлик ўрнатилади ва илмий-инновацион ишланмалар тижоратлаштирилади.

Устахоналарда талабалар учун инновацион ишланмаларнинг тажриба нусхалари ва прототипларини бепул тайёрлаш, коворкинг, стартап лойиҳаларнинг акселерация дастурларини ишлаб чиқиш, 3D лойиҳалаш ва моделлаштириш, муҳандислик соҳасида илмий ва инновацион хизмат кўрсатиш ишлари амалга оширилади.

2025 йил Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили деб номланиши муносабати билан ёшлар ўртасида “яшил” маданиятни ривожлантириш, таълим сифатини янада яхшилаш, илм-фанни юксалтириш кўзда тутилган. Шунингдек, жорий йилда хорижий инвестициялар ва ташқи беғараз кўмак (грант) ҳамда тўғридан тўғри кредит маблағларни жалб қилиш, экспорт кўрсаткичларини ошириш бўйича истиқболли режалар белгилаб олинди. Бу масъулиятли вазифани бажариш ҳар биримиздан янада изланиш ва тинимсиз меҳнат қилишни тақозо этади.

---

Инсон қадри учун





# ФАРМАЦЕВТИКА ТАРМОҒИ

## КАФОЛАТЛАНГАН ДОРИ-ДАРМОН БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИНГ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

**Давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармонда 2025 йилда аҳоли саломатлигини яхшилаш, экологик турмуш тарзини шакллантириш ва инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитларни яратиш борасида қатор муҳим вазифалар белгиланган.**

Соғлом турмуш тарзи, хусусан, тиббий маданиятни ошириш, соғлом овқатланиш, кунлик юриш ва югуришни тарғиб қилиш, оилавий поликлиникалар, оилавий шифокорлик ва маҳалла тиббиёт пунктларида аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг самарали тизимини жорий этиш шулар жумласидан.

Аҳолини сифатли, хавфсиз ва ҳар томонлама кафолатланган дори-дармон билан таъминлаш мазкур вазифаларни изчил ижро этишда муҳим аҳамиятга эга. Дастурда тегишли вазирлик ва идораларга 2025 йил 1 ноябрга қадар тиббий суғурта механизмлари жорий қилинаётган ҳудудларда рецепт асосида бериладиган дори-дармонни “электрон рецепт” тизими асосида тайинлаш амалиётини йўлга қўйиш борасида аниқ топшириқлар қўйилган.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 28 январда айни мақсадда қабул қилинган “Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида ушбу соҳани жадал ривожлантириш, унга жалб этилаётган инвестиция ва экспорт ҳажмини сезиларли даражада оширишни таъминлашга оид янги бошқарув тизимини жорий қилиш мақсадида қатор устувор вазифалар белгиланди.

Хусусан, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигига соҳани рақамлаштириш ва ахборот дастурларини жорий этиш, инвестицион лойиҳаларни мониторинг қилиш каби қўшимча вазифалар юклатилди.

— Мазкур ҳужжатга кўра, агентликка биологик фаол қўшимчалар ва косметика маҳсулотлари саноатини ривожлантириш, жумладан, бозор коньюнктурасини ўрганиш, таҳлил қилиш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, ушбу йўналишдаги соҳа корхоналарига илғор хорижий амалиёт ва стандартларни татбиқ этишга кўмаклашиш каби қатор вазифалар юклатилди, — дейди Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги бўлим бошлиғи Ҳакимжон Содиқов. — Бундан ташқари, жорий йилда жами 2,5 миллиардга яқин инвестиция жалб этиш, экспорт салоҳиятини 200 миллион долларгача ошириш ҳамда 2030 йилгача маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг бозордаги улушини 70 фоизга етказиш мақсад қилинган.

Шу боис, агентлик томонидан ҳозирги кунда биологик фаол қўшимчалар ва косметика маҳсулотлари саноатида фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорликда зарур чора-тадбирлар режаси асосида ишланмоқда. Бу эса соҳадаги тадбиркорлар олдида турган муаммо ва тўсиқларни бартараф этиш, уларга яқиндан кўмаклашиш борасида ишлар кўламини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Ҳужжатга мувофиқ, 2025 йил 1 апрелдан чекланган савдо устамалари фақат рецепт билан бериладиган дори-дармон тоифасига нисбатан татбиқ этилади. Бунда маҳаллий ва хорижий дори-дармонга амалдаги референт нархни шакллантириш тизими сақлаб қолинади.

Яна бир муҳим жиҳат. Рецепт билан бериладиган дори-дармон тоифасини улгуржи ва чакана сотишда уларни етказиб беришда иштирок этувчи воситачилар сонидан қатъи назар, улгуржи савдо учун сотиб олинган қийматидан 15 фоиздан ва чакана савдо учун сотиб олинган қийматидан 20 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда устама қўлланилади. Бунда ушбу дориларининг улгуржи ва чакана нархлари чекланган улгуржи ва чакана референт нархлардан юқори бўлмаслиги шарт. Рецептсиз бериладиган дориларни улгуржи ва чакана реализация қилишда чекланган савдо устамалари қўлланмайди.

Рецептсиз бериладиган дори нархи бўйича чеклов бекор қилинишининг асосий сабаби улар аниқ касалликни даволаш бўйича ишлатилмаслигида. Чунки улар даволашга ёрдамлашадиган маҳсулотлар турига киради.

Бундан ташқари, маҳаллий ва хорижий дори-дармонга нисбатан референт нархини шакллантириш тизими сақлаб қолинади. Шунингдек, бир ишлаб чиқарувчи томонидан турли савдо номлари остида таркиби бир хил бўлган дориларнинг барчасига энг паст референт нарх қўлланилади.

— Аввало, референт нарх нима, деган саволга жавоб бериш керак. Референт нарх дорига чекланган нарх қўйилишини англатади, — дейди Ҳ.Содиқов. — Бу инфляция даражаси ўзгариши ёки валюта курси ошиши натижасида тадбиркорларга қийинчилик туғдирмаслик мақсадида қилинаётган ҳаракат.

Фармонда белгилаб қўйилдики, фармацевтика маҳсулотлари экспорти ҳажмини ошириш мақсадида маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналари дориларидан биттасини АҚШ ва Европа Иттифоқининг нуфузли ташкилотларида рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ харажатларининг 100 фоизи, маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналари фармацевтика маҳсулотларини хорижий давлатларда рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизи Савдога кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан, фармацевтика корхоналарининг барқарорлик рейтингидан келиб чиқиб қоплаб берилади.

— АҚШнинг Озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармон сифатини назорат қилиш бошқармаси (Food and Drug Administration) ёки Европа дори-дармон агентлиги (European Medicines Agency) дунёдаги энг кучли регулятор органлар ҳисобланади, — дейди Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги бўлим бошлиғи Шерзод Холматов. — Бу ташкилотларда рўйхатдан ўтган маҳсулотларнинг бошқа давлатларда ҳам ишончлилик даражаси ортади. Шу сабаб маҳаллий корхоналарни қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқараётган маҳсулотларининг экспорт ҳажмини ошириш мақсадида юқоридаги амалиёт жорий этилмоқда.




Бугунги кунда республикамизда GMP сертификатига эга 55 та маҳаллий ишлаб чиқарувчи мавжуд. Улар томонидан уч мингга яқин маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Бу маҳсулотларни хорижга сотиш, маркетингни амалга ошириш мақсадида фармон билан нуфузли халқаро кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этиш харажатларининг 100 фоизини қоплаб бериш назарда тутилмоқда.

Фармон қабул қилинишига қадар маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналарининг фармацевтика маҳсулотларини хорижий давлатларда рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ харажатларининг 75 фоизи қоплаб берилар, нуфузли халқаро кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этиш харажатларига оид ҳеч қандай имтиёзлар бўлмаган.

Ҳужжат билан Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ҳузурида фармацевтика корхоналари фаолиятига илғор стандартларни татбиқ этиш бўйича маркетинг ва консалтинг хизматларини кўрсатишга ихтисослашган “Pharm Service” давлат муассасаси ташкил этилади. Унинг асосий вазифаси соҳа корхоналарига фармацевтика маҳсулотларини рўйхатдан ўтказишда кўмаклашиш, миллий ва хорижий стандартларни татбиқ этишда ҳуқуқий ва консультатив ёрдам ҳамда маркетинг хизматлари кўрсатишдан иборат. Шу билан бирга, у фармацевтика тармоғини рақамлаштириш, корхоналарни лойиҳалаш ва қуриш ишлари бўйича маслаҳат хизматларини кўрсатади.

Фармондаги яна бир муҳим жиҳат. “Асакабанк” таъсисчилигида фармацевтика соҳасининг биофармацевтика, ҳужайра технологиялари, онкология каби йўналишларида стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун венчур жамғарма ҳамда “Асакабанк” ва Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ҳузурида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда Фармацевтика тармоғининг истиқболли лойиҳалари инвестиция жамғармаси ташкил этилади. Илмий ва фармацевтика соҳасидаги стартап лойиҳалар учун 2030 йилга қадар ҳар йили 20 миллиард сўмгача ажратилади.

— Халқ табобатида кенг фойдаланиш, уни даволаш усули сифатида оммалаштириш учун жорий йил 1 июлга қадар ташаббускор тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда 5 та намунавий доривор ўсимликлар плантацияси ташкил этилади, — дейди агентлик бўлим бошлиғи Саид Холматов. — 2026 йил якунига қадар эса ушбу плантацияларда етиштирилган доривор ўсимликларни қайта ишлаш лойиҳалари амалга оширилади.

Бунинг учун Тошкент, Бухоро, Жиззах, Сирдарё, Фарғона вилоятлари танлаб олинган. Зеро, иқлимга мос, янги турдаги, кенг қўлланиладиган доривор ўсимликлар етиштиришда бу ҳудудларнинг имконияти кенгроқ. Уларда ҳозирги кунда талаб юқори бўлган лаванда, заъфарон, гулхайри, наъматак ва юртимиз иқлимига мослаштирилган бошқа турдаги ўсимликлар етиштирилади.

Бугун юртимизда 100 га яқин доривор ўсимлик тиббиётда кенг қўлланилади. 20 га яқин доривор ўсимлик Ўзбекистон иқлим шароитига мослаштирилиб, плантацияларда етиштириб келиняпти.

Бир сўз билан айтганда, мазкур ҳужжат бугун тармоқлари тобора кенгайиб, талаб кучаяётган фармацевтикани жадал ривожлантириш, соҳага жалб этилаётган инвестиция ва экспорт ҳажмини ошириш, энг муҳими, аҳолини сифатли, хавфсизлиги ва самарадорлиги кафолатланган дори-дармон билан таъминлашга хизмат қилади.

**Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**




Шахсий фикр

# “ТИРИК ТАРИХ” КИНО ТАЪЛИМИ АМАЛИЁТ МАЙДОНИ



**Отажон ДОСТОНОВ,
санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори**

**Ёшлар таълим-тарбиясида адабиёт ва санъатнинг ўрни беқиёс. Бунда, айниқса, кино санъати имкониятларидан тўла ва самарали фойдаланиш жуда муҳим. Кўриб турибмиз, бугун айрим мамлакатлар тарихидаги зиғирдек воқеани катта ҳодиса қилиб кўрсатмоқда. Бу билан мафкураси, миллий манфаатларини тарғиб этяпти. Шу маънода, Президентимизнинг тарихий асарлар суратга олиш ва уни кенг тарғиб этишга қаратилган ташаббуси жуда қадрли.**

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 5 июндаги “Кинематография соҳасини янада ривожлантириш ҳамда мамлакатимиз тарихига бағишланган фильмлар туркумини яратишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори мазкур соҳадаги тарихий ҳодиса бўлди. Ушбу қарор билан тарихий фильмлар ишлаб чиқаришдаги устувор вазифалар, келгусида бажарилиши лозим бўлган ишлар белгилаб берилди. Муҳими, “Тирик тарих” фильмлар туркумини яратиш дастури тасдиқланди. Шу ўринда тарихий фильмлар яратиш билан боғлиқ айрим жиҳатлар ҳақида фикр юритишни лозим топдик.

Тарихий киноасарлар ўтмишни ўрганиш, тарихдаги хатолардан тўғри хулоса чиқариб, муваффақиятлардан намуна олишга сабаб бўлади. Айни вақтда замонавий аудитория учун муҳим ижтимоий ва сиёсий масалаларни ёритиш имконини беради. Тарихий қаҳрамонларнинг кураши, машаққати, сабри, ютуқлари ва ҳаётий ҳикоялари томошабиннинг фикрлаш, тафаккур қилиш қобилиятига таъсир қилади. Бундай фильмлар ёшларга мотивация бериб, дунёқарашини кенгайтирувчи ва ижтимоий ўзгаришларга ундовчи куч ҳисобланади. Бундай натижага эришиш учун эса киноасар юқори савияда ишланиши керак.

Камера бурчаги, кадр бўйлаб ҳаракат, мусиқий ва визуал эффектлар, персонажлар психологияси, диалоглар ва бошқа унсурлар орқали тарихий ҳақиқатни яратиш жуда нозик ва мураккаб жараён. Бундай асарларнинг бадиий тили, ишлаб чиқариш жараёнини чуқур тадқиқ қилиш тарихни тўғри ва адолатли акс эттиришда катта аҳамият касб этади. Шу боис, кинонинг назарий жиҳатларини тадқиқ қиладиган олимлар ва киноижодкорлар ҳамкорлиги жуда муҳим. Чунки тадқиқотлар кино ишлаб чиқарувчиларга тарихий воқеаларни ҳаққоний ва ижтимоий масъулият билан тасвирлаш имконини беради. Томошабин билимини мустаҳкамлайдиган асар яратилишига сабаб бўлади.

Тарихий фильм яратиш қатор мураккаб босқичларни ўз ичига олади. Ҳар бир босқич киноижодкорлардан ҳамкорликда ишлашни талаб этади. Ижодий гуруҳ қаҳрамонлар хатти-ҳаракатларидан тортиб, ўша даврнинг маданий контекстигача илмий манбалар асосида аниқ тасвирлашга ҳаракат қилиши лозим. Визуал услублар, муайян даврга хос либослар, меъморий иншоотлар, мулоқот тарзи ва бошқалар ҳар бир эпизод учун ўзига хос илмий тадқиқотларни талаб этади. Бунинг учун улар тарихий фактлар, воқеаларни тўғри тадқиқ қилиш, даврни чуқур ўрганиш, маданият ва сиёсий ҳолатни тушуниш орқали фильмга илмий асос киритади.

Ўзбек киносида тарихий фильмларни яратиш борасида ўзига хос анъана бор. Бу анъана катта усталар ишида шаклланиб, кейинги авлод изланишларида бойитиб борилмоқда. Ўтган даврда кўплаб янгича тасвирий ечимларга бой фильмлар юзага келди. Суратга олиш нуқтаси, портрет нур ва соясида қайғу, миллий колорит деталлари, тасвирий ечим, кадр композицияси тўлдирилиши, эпизод яратилишидаги ёндашув каби ифода воситалари кино бадиий тилини бойитиб келмоқда. Шу билан бирга, миллий кинода “назариётчи” ва “амалиётчи”лар кино санъати ва илмий тадқиқот жараёнларида алоҳида йўналишга ажралди. Бу бўлинишнинг ижобий самара берган жойлари бўлди. Айни пайтда миллий кино ривожига тўсиқ бўладиган айрим жиҳатларни ҳам юзага чиқарди.

Аввало, “амалиётчи” ва “назариётчи” ўртасидаги “девор” киноижодкорлар ва илмий тадқиқотчиларни алоҳида гуруҳларга ажратди. Бу ўзаро алоқа сустлашишига, амалиёт ва назария ўртасида ўзига хос услубий ва эстетик жиҳатлар чуқурроқ тушунилмаслигига олиб келди. Назарий тадқиқотчилар амалиётга татбиқ этилмайдиган жиҳатларни академик нуқтаи назардан ўрганишга мойил бўлса, амалиётда эса илмий ёндашувларни эътиборсиз қолдириш кўзга ташланди. Назарий ва амалий бўлиниш, ўз навбатида, ўзбек тарихий киносининг миллий ўзига хослигини ва маданий қадриятларини ифодалашда муаммолар яратди. Бунда амалиётчилар фақат анъанавий ёндашувларга таяниб ишлади. Улар янги ёндашувлар ва экспериментларга эҳтиёткорлик билан қаради. Назариётчилар ҳам кинематография ривожига бевосита таъсир этадиган ижодий эркинликни қўллаб-қувватлашда ўзини чеклаб қўйиши кузатилди.




УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Ўзбек киносида фильмлар яратиш, ривожланиш жараёнидаги “назариётчи” ва “амалиётчи” ўртасидаги ажралиш масаласи ҳозирги кунда ҳам долзарб. Назарий ёндашувларнинг амалиётга татбиқ этилмаслиги ва аксинча, амалиётда янги экспериментларга эҳтиёткорлик билан қараш кинематографиянинг янгиланишини секинлаштиради. Тарихий фильмларда миллий ўзига хослик ва маданий қадриятларни тўлиқ ифодалашда бу масала муҳим. Янги авлод киноижодкорлари ва илмий тадқиқотчилари ўртасидаги яқин ҳамкорлик, амалий ва назарий ёндашувлар уйғунлиги кино санъатининг келажакдаги ривожига катта таъсир кўрсатиши мумкин.

“Тирик тарих” фильмлар туркумини яратиш дастури орқали халқимизнинг тарихий маданияти, қадрият ва анъаналари, эзгу орзу-интилишлари, буюк саркарда ва давлат арбобларининг мураккаб ҳаёти ва давлатчилик фаолиятини холис ҳамда ҳаққоний акс эттириш, тарихимизда ёрқин из қолдирган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, аллома ва мутафаккирлар, шоиру адиблар, маърифатпарвар жадид боболаримиз, уларнинг умумбашарий тамаддун ривожига қўшган муносиб ҳиссасини юксак ғоявий-бадиий савияда, чуқур илмий асосларга таяниб, тўлақонли акс эттириш каби вазифаларни бажариш белгиланди.

## Маънавий тарбия узвийлиги

Санъат йўналишида ўқиётган талабаларнинг маънавий ва ахлоқий дунёсини шакллантиришда кино санъати таълим жараёнининг ажралмас қисмидир. Касб таълимида инсонийлик, адолат, тўғрилик, меҳнатсеварлик каби қадриятларга бой материаллар орқали маънавий тарбия узвийлиги таъминланади. Демак, талабалар касбни ўрганиш учун томоша қилаётган кинолари ҳам юксак маънавий қувватга эга бўлиши зарур. Шу маънода, “Тирик тарих” туркуми келажак авлод учун жуда катта хазина бўлиб хизмат қилишига ишонамиз. Бунга ушбу туркумдан жой олган “Нур ва зиё”, “Фарҳод ва Ширин”, “Гулойим ва қирқ қиз” ҳамда “Тақдир уфқлари” асарларини мисол келтириш мумкин. Уларнинг бири ислом дини маърифат улашувчи таълимот эканини очиб берса, иккитаси чин инсоний туйғулар тараннум этилган достонлар асосида суратга олинади. Яна бири эса ўтган асрнинг 30-йиллари охиридаги воқеалар билан корейс ва ўзбек халқлари дўстлигини очиб беради.

Бундай асарлар ижодкорнинг келгуси фаолиятига ижобий таъсир қилади. У яратадиган асарлар томошабин характери, ички дунёси юксак қадриятлар ва ахлоқий тамойиллар билан шаклланишига хизмат қилади. Шунинг учун таълим ва амалиёт интеграцияси яхши натижа беради. Туркумдан жой олган ҳар бир фильм ҳақида шундай ижобий фикрларни бирма-бир санаб ўтиш мумкин. Масалан, ал-Хоразмий, Мирзо Улуғбек каби аллома аждодларимиз ҳақидаги киноасарлар бугунги ёшларга илҳом манбаи бўлиши шубҳасиз. Албатта, кўзланган мақсадга эришишда дастурдаги фильмларни ишлаб чиқишда барча имкониятлардан тўла фойдаланиш керак. Бунда назарий ва амалий билимни умумлаштириш жуда муҳим. Бундай якдиллик шу йўналишда таҳсил олаётган талабаларнинг креатив фикрлашини ривожлантириб, келгуси ижодий ишларига мустаҳкам пойдевор яратади. Улар учун бу жуда катта мактаб вазифасини ўтайди.

## Халқаро тажрибаларни ўрганиш имконияти

Дастурда кино санъати ривожи, инновацион ёндашувларни ўзлаштиришдаги муҳим омилларга эътибор қаратилади. Халқаро саноатдаги глобал тенденциялар, тажрибалар, янги технологиялар, креатив услублар ва ижтимоий-маънавий қадриятларни ўрганиш имконини беради.




Рақамли кино, компьютер графикаси, виртуал реаллик, сунъий интеллект каби халқаро тажрибаларни кенгроқ ўзлаштиришда “Сакура ифори” (Япония), “Фарҳод ва Ширин” ҳамда “Буюк ипак йўли” (Хитой), “Тақдир уфқлари” (Корея Республикаси) катта роль ўйнайди. Янги жанрлар, нарратив усуллар, визуал эффектлар ва аудиторияни жалб қилиш усуллари “Ўзбек арслони” (Беларусь), “Махтумқули” (Туркманистон), “Юлдузлар шуъласи: Жомий ва Навоий” (Тожикистон), “Шаҳобиддин Маржоний” (Татаристон), “Мақсуд Шайхзода” ва “Мулла Насриддин” (Озарбайжон) каби фильмларда кўзга ташланади. “Бухоро марвариди”, “Сеҳрли кўза” ва “Ўзбекистон археологик ёдгорликлари” (Россия), “Клавихо” (Испания), “Ҳерман Вамбери ва мулла Исҳоқ” (Венгрия), “Худойберган Девонов ва немис меннонитлари” (Германия), “Туркистонлик баҳодирлар” (Туркия), “Помир тоғларидай юксак” (Қозоғистон) фильмларидаги тажриба, янги технология ва методлар ўзига хос ижтимоий, маданий ва эстетик қарашларни ўрганишга ёрдам беради.

Бу каби халқаро тажрибаларни ўрганиш ва амалга ошириш орқали ўзбек киноижодкорлари дунё миқёсида рақобатбардош асарлар яратиш имкониятига эга бўлади.

## Фан тармоғида тадқиқотлар

Ўзбек кино санъати, хусусан, киношунослигимиз олдида турган долзарб масалалар бор. Масалан, халқимизнинг қадимий тарихи ва бой маданияти, азалий қадрият ҳамда анъаналари, эзгу орзу-интилишларини чуқур илмий асосга таяниб ривожлантириш шулар жумласидан. “Тирик тарих” киношунослик олдида турган мана шу масала ечимида майдон бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Бунинг учун сценарий, режиссёр, оператор, рассом, бастакор, актёр ва бошқа мутахассисликларнинг бадиий ва ишлаб чиқариш хусусиятларини ҳар бир фильм доирасида тадқиқ қилиш зарур. Дастур доирасидаги 54 та саҳналаштирувчи гуруҳ тарихий фильмни тасвирга олиш жараёнида фойдаланган усул ва услуб материаллар асосида яна шунча услубий, ўқув қўлланмалар яратиш мумкин. Ижодий ишлар таҳлили орқали битирув малакавий ишлар, диссертациялар ёзилса, кино санъати таълими янги амалий материаллар билан бойийди. Бундай илмий ўрганиш ечимини кутаётган муаммоларни ҳам очиб беради. Натижада уларни ўз вақти ва жойида ҳал қилиш имкони яратилади. Амалиёт ва назария ўртасидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш ижодкорларга янги тасвирий ечимлар ва инновацияларни яратишга ёрдам беради.

Бунинг учун дастурга олий таълим муассасаларидаги кино санъати таълим йўналишлари профессор-ўқитувчилари, талабалари, магистрант ва докторантлари бевосита жалб этилиши керак. Чунки ҳозир амалий жараёнларни чуқур тушунадиган ва илмий тадқиқ қила оладиган мутахассисларга эҳтиёж ортиб бормоқда. Зеро, кино санъати ривожланиши учун фақат амалиётда олинган тажрибалар етарли эмас. Назарий тадқиқотлар ҳам амалиётга мослаштирилса, илм кишилари амалий тадқиқот орқали миллий киномизни илмий жиҳатдан пухта ўрганади. Юқорида айтилганидек, тадқиқотлар эса миллий кино санъатини янада ривожлантиришга хизмат қиладиган “йўл хариталари”га манба бўлади.

Кино таълими ва амалиёт интеграцияси юқори малакали ижодкор мутахассисларни тайёрлашда катта аҳамиятга эга. Назарий билимлар ва амалий кўникмаларни уйғунлаштириш орқали талаба кино санъатида мустақил фаолият юритишга тайёрланиб боради. Агар бу борада ҳамкорлик тўғри йўлга қўйилса, “Тирик тарих” дастури кино санъати таълими учун катта майдон бўлади. Бу ёш ижодкорларда замонавий технологиялар, таҳлилий ва танқидий фикрлаш, ижодий ёндашув ва жамоавий ишлаш кўникмасини ривожлантиради. Натижада ўзига хос киноасарлар яратишга қодир баркамол авлод камол топади.

---

Орамиздаги одамлар



**Майин ёғаётган ёмғирга маҳлиё бўлиб яёв юришни маъқул кўраман. Бир куни бундай бўлди: узоқдан олов бир ёниб, бир ўчарди. Аввалига бир оз чўчидим. Юрган сари бу манзилга яқинлашардим.**

# ҚЎЛИДА ОЛОВИ БОР АЁЛ

## ёхуд бир ойда 25 миллион сўм даромад

Ажабо! Темирчи аёл. Олов билан ишлаётган аёлни кўриб, ҳайратимни яширолмадим. Уни танимасам-да, бир талай савол билан мурожаат қилдим.

— Аёл киши бўла туриб, темирга ишлов беряпсизми? Бу иш оғирлик қилмайдими? Турмуш ўртоғингиз нима иш қилади? Темир, олов билан ишлашдан қўрқмайсизми?!

Тахминан 40 ёшлардаги аёл жилмаяркан, қўлидаги темир ва мосламаларни ерга қўйди. Стол устидаги чойнакдан пиёлага чой қуйиб, менга юзланди:

— Келинг, қизиқаётган бўлсангиз, бир пиёла чой устида суҳбатлашамиз. Темирга ишлов беришим билан танишасиз, иш жараёнини кузатасиз.

Аёлнинг таклифидан қувониб, стулга ўтирганим заҳоти ёндафтарим ва ручкамни олиб ёзишга киришдим. Қизлархон Тошпўлатова Шўрчи туманининг Бўстон маҳалласида яшайди...

— Темирга 30 ёшимдан ишлов бера бошлаганман, — дейди қаҳрамонимиз. — Институтда ўқиш имкониятим бўлмагани боис, шу ҳунарни танлаганман. Оилада беш ўғилнинг орасида катта бўлганим учунми, эркаклар бажарадиган ишларни қилишдан чўчимайман. Акаларимдан дарвоза ясашни, темир пайвандлашни ўрганганман. Тўғри, темирга ишлов бериш осон эмас. Ўзига яраша қийинчилиги, масъулияти бор. Пайвандлаш жараёнида озгина эътиборсизлик ёки нотўғри ёндашув натижасида шифокорга ишингиз тушиб қолиши ҳеч гап эмас. Билсангиз, иш жараёнида жиддий зарар кўрган, олти ойлаб даволанган вақтларим ҳам бўлган. Лекин мақсадим сари ҳаракатдан, изланишдан тўхтаганим йўқ. 30 ёшимгача 20 бош сигир соғиб, сут ва сут маҳсулотлари тайёрлаб, бозорга олиб чиқардим. Кейинчалик темир билан ишлашни, дарвоза ва эшиклар ясашни маъқул кўрдим. Балки даромади кўплиги учун ҳам шу ҳунарни танлагандирман. 2022 йилда маҳалламиздаги ҳоким ёрдамчиси тавсияси билан 33 миллион сўм кредит олиб, фаолиятимни кенгайтирдим. Турмуш ўртоғим билан бирга битта дарвозани 5 кунда ясаб, хонадонга ўрнатиб берамиз. Даромадимиз ҳам ёмон эмас, бир ойдаги соф фойдамиз 25 миллион сўм атрофида.

Қўлигул ҳунарманд, 4 фарзанднинг онаси Қизлархон Тошпўлатованинг моҳирлик билан темирни пайвандлаш жараёнини кузатар эканман, фақат эркаклар шуғулланиши керак бўлган юмушларни аёл-қизлар ҳам масъулият билан бажариши мумкинлигига амин бўламан.

— Берилган имтиёзли кредитдан самарали фойдаланаётган маҳалладошимиз Қизлархон Тошпўлатова чиндан ҳам мақтаса арзигулик ҳунарманд, — дейди Бўстон маҳалласидаги ҳоким ёрдамчиси Холмирза Хўжақулов. — Дастлаб имтиёзли кредитни темир маҳсулотлари ясаш учун ишлатиши ҳақида гапирганда ишонмагандим. Кредитдан мақсадсиз фойдаланиб қолиши мумкин, деган хаёл билан айтилган манзилга бордим. Бир уюм темир орасида ишлаётган ҳунарманд аёл ясаган дарвозаларни, пайвандлаган жиҳозларни кўриб, фаолиятини кенгайтириши, янги иш ўринлари яратиши учун имтиёзли кредитга тавсиянома беришни маъқул кўрдим. У ҳозир 4 маҳалладошимизнинг ҳам бандлигини таъминлаган.

Инсон мақсади сари интилса, ҳаракатдан, изланишдан тўхтамаса, жамиятда ўз ўрнини, албатта, топади. Меҳнати орқали даромад олиб, рўзғорининг ободлигига, ҳаётининг фаровонлигига эришади. Дарвоқе, гулчилик фаолиятига ҳам қизиқаётган Қизлархон Тошпўлатова яқинда туман марказида гулчиликка ихтисослашган корхона очишни мақсад қилган. Ушбу манзилга яна қайтишни кўнглимга тугиб, ҳунарманд билан хайрлашдим.

**Нигина ШОЕВА,
журналист**

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-146.
37560 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Сардор Толлибоев
Мусаҳҳиҳ: Аслиддин Абдуразақов
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

ЎзА якуни — 03:35 Топширилди — 05:15